Энг муҳими, депутатнинг овози – бу халқ овози эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
20-noyabr
chorshanba
№ 46 (1421)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни юксак ишончга сазовор бўлиб, Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, сенатор деган ном – юксак ва шарафли мақом, шу билан бирга, улкан масъулият эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз учун тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш йўлида бор билим ва тажрибангизни, куч ва салоҳиятингизни ишга солиб, халқимиз ишончини оқлайсиз, деб умид қиламан.

Кучли рақобат, адолат ва ошкоралик руҳида ўтган сайловлар натижасида бешинчи чақириқ Сенатнинг таркиби сифат жиҳатидан юқори даражада шаклланди. Бугун сизларнинг тимсолингизда кўплаб етакчи соҳа ва тармоқлар вакилларини, таниқли сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан ва маданият намояндаларини кўриб турганимдан хурсандман.

Сенаторларимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирганда, уларнинг ҳар 3 нафаридан бири илмий даражага эга эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Эътиборлиси, Сенат аъзоларининг қарийб 27 фоизи ёки 16 нафари хотин-қизлардир. Бу эса оила, оналик ва болалик, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, умуман, ижтимоий масалалар бўйича қонунчилик фаолияти ҳамда парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар давлатимиз ва жамиятимиз ривожида ҳам, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб бермоқда, десак, тўғри бўлади.

Янги сайланган маҳаллий Кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 3 мингдан ортиқ юртдошларимиз илк бор депутат бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, маҳаллий Кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етгани, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 карра ошиб, 266 нафарни ташкил этгани Сенат фаолиятини янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги мажлисда иштирок этаётган сенаторларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамдир.

Барчамиз яхши тушунамиз, дунё миқёсидаги вазият мисли кўрилмаган даражада кескин ва мураккаб бўлиб бораётган ҳозирги шароитда юртимиз тинчлиги ва равнақини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор вазифага айланмоқда.

Буюк шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд бобомиз айтганларидек, қадимги аждодлар битта тўфон кўрган бўлса, бугун биз мингта тўфон кўрмоқдамиз. Чиндан ҳам, биз дуч келаётган глобал муаммоларнинг ҳар бири битта тўфон эмасми?

Турли минтақалардаги қонли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқлим ўзгаришлари, иқтисодий инқирозлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, қочоқлар муаммолари тобора кучайиб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда юқори палатанинг аввалги таркиби муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, аёллар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларида Сенат алоҳида фаоллик кўрсатди. Охирги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилгани, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилгани ҳам муҳим ижобий натижадир.

Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етди. Сенатимиз Осиё хотин-қизлар форуми, Марказий Осиё давлатлари парламентлараро форуми каби йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилди.

Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг 150-сессияси, яъни юбилей анжумани келгуси йили пойтахтимизда ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Сенат ушбу нуфузли халқаро форумни ҳам юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бошчилик қилса, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Шу ўринда Сенатда давлатлараро келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш бўйича илк бор ижобий амалиёт йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-саҳифада.)

СИЁСАТ

КУЧЛИ ИРОДА ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

Тошкент шаҳрида 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Тадбирни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ялпи мажлис ишини ташкил этиш учун котибият ва электрон овоз бериш назорати бўйича гуруҳ тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Сенатига сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.

Бу жараён янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигига биноан ошкора ва адолатли ўтгани таъкидланди. Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак ишончга сазовор бўлганлари билан самимий табриклади.

Юқори палатанинг аввалги таркиби мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшгани таъкидланди. Охирги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Президент бугун дунёдаги вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва бирликнинг аҳамиятини таъкидлади.

– Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мажлисда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига номзод тақдим қилди.

Яширин овоз бериш орқали Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Норбоева сайланди. Шунингдек, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди.

Кун тартибига мувофиқ, Сенатда 7 та қўмита ва битта комиссия тузилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ЮЗМА-ЮЗ



“СУРАТЛАР – МЕНИНГ ҲАЁТИМ, КУНДАЛИГИМ”

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан суҳбат

Истеъдодли рассом, рангтасвир устаси Акмал Нур 1959 йил 27 февралда Наманганда туғилган. У Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми,“Фидокорона хизматлари учун”, Япония императорининг “Чиқаётган қуёш” ордени соҳиби ҳисобланади. 2022 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Бадиий академияси раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Унинг “Ичимдаги ичимдадир”, “Лайли ва Мажнун”, “Бошланиш” асарлари машҳур.

— Энг аввал, ижодкорлик тўғрисида савол билан юзланмоқчиман: суратларнинг тилга кириши, унга қараган одам бир асарни ўқигандек бўлиши, тасаввур олами кенгайиши учун ижодкордан нима талаб этилади? Рассом бўлиб шаклланишда инсон наималарга эътибор бериши керак?

— Икки карра икки тўрт аниқ-тиниқ мисол каби ечим бўлганида, рассомчилик соҳасида таълим олган кўплаб талабаларимиз, тасвирий ижодга озроқ қизиққан одамлар ҳам катта рассом бўлиб кетар эди. Минг афсуски, “Мана шундай йўл тутса, шу ишларни қилса, рассом ўз томошабинига эга бўлади”, деган аниқ қонун йўқ.

5-б.

НУҚТАИ НАЗАР

МАЪНАВИЯТЛИ ҚАЛБЛАРДА ЁМОНЛИК БЎЛМАС

Эндиликда медиамаҳсулотлар ахлоқсизликни тарғиб қилмаслиги учун “маънавий экспертиза”дан ўтказилади.



Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасановнинг маълум қилишича, бу тартиб Маънавият ва маърифат маркази, АОКА, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий медиа бирлашмасининг биргаликдаги қарори билан тасдиқланган.

“Бугун шиддатли даврда ахборотлар кўлами ва оқими кенг. Медиамакон замонавий, қизиқарли ва долзарб мавзудаги хилма-хил медиамаҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Лекин уларнинг барини ҳам сифат ва мазмун жиҳатидан миллийлигимизга мос ва хос, тарбиявий аҳамияти юқори деб бўлмайди. Шу боисдан ёшлар тарбиясига ва миллий менталитетимизга рахна солувчи медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш ва уларнинг софлиги, миллий ахлоқимизга мослик даражасини таҳлил қилиб бориш анча муҳим”, — дейилган бу ҳақдаги хабарда.

Демак, теле- ва радиоканаллар, ижтимоий тармоқлар учун тайёрланаётган медиамаҳсулотлар, хусусан, сериал, мультфильм, кино, қўшиқ ва клипларни маънавий экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилади. Қайд этилишича, ҳозирга қадар маънавий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлаб бўлинган. Унга мувофиқ, маънавий экспертиза гуруҳининг асосий вазифалари белгиланган.

Жумладан, соҳа мутахассисларидан таркиб топган гуруҳ томонидан Ўзбекистон ҳамда хорижда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон ҳудудида намойиш этилаётган медиамаҳсулотларнинг давлат сиёсати, давлат рамзлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий-ахлоқий мезонларга зид, инсоний фазилатларга таҳдид солувчи ахлоқсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи ҳолатлар мавжуд ва мавжуд эмаслиги ўрганилади.

Медиамаҳсулотларнинг ёшлар тарбияси ва миллий менталитетимизга таъсири баҳоланади. Ёшлар тарбияси ва миллий менталитетимизга рахна солувчи медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш чоралари кўрилади. Бундай медиамаҳсулотларнинг намойиш этилишини тўхтатиш бўйича тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга таклифлар киритиб борилади.

3-б.

АҲВОЛ

Бугун телеканаллар ва ижтимоий тармоқларда айланаётган, кўз ва қулоқларимиз аллақачон кўниккан қўшиқлар мусулмон умматни қадриятларидан, демакки, ўзлигидан йироқлаштириш сиёсатига хизмат қилмоқда. Бизнинг давр — “юмшоқ куч” даври. “Юмшоқ куч”нинг хавфи шундаки, миллат ўз тилида сўзлашадиганлар қўли билан ўзлигидан мосуво этилади. Миллионлаб юртдошларимиз ўзга маданиятлар тарғиботчисига айланиб бораётганини, эски тузумни қўмсаш кампаниясига хайрихоҳлик қилаётганини англаб етганича йўқ.

“АТТИ-БАТТИ, ЎТТА-БЎТТА...”

ёки енгил-елпи, мазмунан ўта саёз, бачкана куй-қўшиқларнинг салбий таъсири хусусида

Сиёсатшунослар мусиқани “юмшоқ куч”нинг энг таъсирчан воситаси деб таъкидлашади. Оммавий томоша ва тадбирларнинг авом руҳиятига таъсирини ўрганган мутахассислар замонавий эстрада вакилларининг оломонни “ягона фикр”га бирлаштириш кучи борлигини эътироф этишган. “Ширин оғу”дан маст оммани минг бир кўйга солиш мумкин.

Кундан-кун, ойдан-ой оммалашиб, онгу тафаккуримизга мўр-малахдай ёпирилаётган клиплар кимнинг ғоявий-сиёсий дастаги?

Таҳдид ҳамиша ҳам қаҳру ғазаб, адоват-у нафрат шаклида намоён бўлавермайди. У сизни сеҳр-у таровати ила ром этади, ипакдай майин бармоқлари, хуш бўйи билан ақлингизни олади, сўнг аста қўйнингизга киради. Таҳдидни маҳкам қучоқлаб, нодонларча тонг оттирганингизни сезмайсиз. Бундай “фараҳбахш” кунлар ойлаб давом этади. Қарабсизки, таҳдид содиқ ҳамдамингиз, улфату ошиғингиз бўлиб қолибди. Энди унинг ишва-ю нозларисиз куннинг ўтмоғи душвор!

Бугун ижтимоий тармоқлар ва баъзи телеканаллар орқали миллионлаб қалбларга жилмайиб туриб чанг солаётган ғанимой худди ана ўша бўлади.

6-б.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

Муҳтарам сенаторлар!

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди.

Яна бир муҳим масала. Илгари сенаторларимиз назорат тадбирларида ёки сайловчилар билан учрашувларда қонунларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ваколатга эга эмас эди. Янгиланган Конституциямизда Сенатга қонунчилик таклифини киритиш ҳуқуқи берилиши билан масала ўз ечимини топди. Янги сайланган сенаторларимиз бу жараёнларда энди фаол бўладилар, деб ишонаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Энди, юқори палата ўз фаолиятида тўлиқ ишга солиши лозим бўлган имконият ва йўналишларга тўхталиб ўтсак.

Конституцияда Сенат ҳудудий вакиллик палатаси экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, олдинги чақириқда Сенат маҳаллий Кенгашлар билан мулоқот ва ҳамкорлик борасида фақат дастлабки қадамларни қўйганини тан олиш лозим. Масалан, маҳаллий Кенгашлар 15 дан ортиқ масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлса-да, уларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича ягона тартиб ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Яна бир масала. Маҳаллий Кенгашларга кўп ваколатлар бериб, мақомини анча оширдик. Лекин, афсуски, Кенгаш депутатлари тажриба алмашадиган, малака ва амалий кўникмасини ошириб борадиган тизим йўлга қўйилмади. Ўйлайманки, ушбу масала ҳам Сенатнинг янги таркиби эътиборидан четда қолмайди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашларнинг энг яхши тажрибаларини бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, намунали Кенгашларни эътироф этиш ҳам йўлга қўйилса, албатта, ишимизнинг самараси янада ошади.

Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат 10 дан зиёд юқори мартабали мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитади. Ўтган беш йилда бундай ҳисоботлар 100 мартадан ортиқ эшитилган. Лекин ҳисоботлар кўп ҳолларда чуқур таҳлиллар ўтказмасдан кўриб чиқилмоқда. Масалан, жиноятчилик масаласини олайлик. 2024 йилнинг 9 ойида мамлакатимиз бўйича 45 мингдан зиёд шахс жиноятга қўл урган. Андижон, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ўғрилик, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида фирибгарлик, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик жиноятлари бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ содир этилган.

Сенат парламент назорати доирасида мавжуд аҳволни пухта таҳлил қилиб, “қизил” ҳудудлардаги вазиятни назоратга олса, бу борада қатъий сўров ўтказса, ўйлайманки, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

Қадрли юртдошлар!

Сўнгги йилларда кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимиз рейтинги қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилди.

Бундай муҳим ютуқларни эътироф этган ҳолда, биз айни вақтда бу йўналишларда ҳали яна кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши тушунамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон нуфузли халқаро минбарлардан катта-катта ташаббусларни илгари сурмоқда. Албатта, уларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, хорижий ва маҳаллий экспертларга етказишда сенаторларимиз фаол бўлишларини барчамиз истаймиз. Аммо, афсуски, уларнинг бу борадаги роли етарли даражада сезилмаяпти. Сенатдаги халқаро ишларга масъул қўмита ҳам ушбу масалада анча суст ишлаяпти. Умид қиламанки, юқори палатамизнинг янги таркиби мазкур йўналишдаги фаолиятини яхшилайди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги таҳликали замон барчамиздан ўз ишимизни танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Сенат олдида турган долзарб вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, янгиланган Конституциямизда Сенат билан Қонунчилик палатаси ваколатларидаги такрорий ҳолатлар бартараф этилиб, уларнинг ҳар бирига тегишли вазифалар аниқ кўрсатилди.

Энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор беринг, Кенгашлар депутатлари бу йил фуқаролар билан учрашувларда 22 мингдан ортиқ муаммоларни аниқлаган. Яъни, жойлардаги ҳақиқий аҳволни улар яхши билади. Шундай экан, қонунларни парламент қўмиталарида кўриб чиқишда, вазирлик ва идоралар вакиллари билан эмас, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан кўпроқ иш олиб борилса, албатта адолатдан бўлади. Чунки, ҳудудларнинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари ҳисобга олинмаган қонунлар қуйи бўғинда самарали ишламайди.

Энг муҳими, қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш лозим. Қонунлар ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимлик ёки Кенгашнинг имконият ва ресурси қай даражада экани доимо Сенатнинг эътибор марказида бўлиши зарур.

Иккинчидан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши керак.

Маҳаллий бошқарувда сифат жиҳатидан янги модель жорий этилаётган ҳозирги вақтда бу айниқса муҳимдир. Хабарингиз бор, энди Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раислари бошчилик қилади. Биз ушбу сиёсий ислоҳот орқали халқимизнинг 30 йиллик орзусини рўёбга чиқардик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги мажлисда иштирок этаётган ҳудудий Кенгашлар раисларини қутлаб, уларга келгуси фаолиятларида ютуқлар тилайман.

Бу йил ҳокимларнинг 33 та ваколати Кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказишни режа қиляпмиз. Мисол учун, ичимлик суви тарифига устама, давлат объектлари ва бозорларда ижара тўловлари каби жами 7 турдаги маҳаллий йиғимлар миқдорини тасдиқлаш ваколати ҳам маҳаллий Кенгашларга ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. Маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳар ярим йилда қилинган ишлар бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилса, ўйлайманки, бу уларнинг фаолиятида ошкоралик ва ҳисобдорликни кучайтиради.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда давлат бошқарувини қуйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнлари ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

Шу ўринда ғоят муҳим бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. 1992 йилгача мамлакатимизда бир муддат маҳаллий давлат ҳокимиятига икки раҳбар бошчилик қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Буни бугунги мажлисда қатнашаётган ёши улуғ инсонлар яхши эслайди. Ўша вақтда айрим раҳбарлар долзарб муаммоларни ҳал қилиб, ҳудудни ривожлантириш ўрнига обрў талашишдан ортмай қолгани ҳам бор гап.

Яқин ўтмишда йўл қўйилган бундай хатолардан тўғри хулоса чиқаришимиз ва уларни такрорлашга йўл қўймаслигимиз лозим. Умуман, ҳоким ҳам, Кенгаш раиси ҳам, аввало, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли манфаатларини етакчи ўринга қўйиб, бир жамоа бўлиб ишлаши лозим.

Айни пайтда Конституцияда белгиланганидек, туман, шаҳар ва вилоятлар миқёсида қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш учун ҳокимлар масъул ва жавобгар эканини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бу фикрларни сиз, ҳурматли сенаторлар билан учрашувда баён этаётганим бежиз эмас. Чунки, сизлар, бир томондан, маҳаллий Кенгаш депутатисиз, иккинчи томондан, Сенат аъзоси сифатида зиммангизга маҳаллий вакиллик идораларига кўмаклашиш вазифаси ҳам юклатилган.

Сенат маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар ҳамжиҳат фаолият юритиши, ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиши учун уларга яқиндан ёрдам бериши лозим.

2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди. Бу ҳам муҳим демократик жараён. Юқори палатамиз бу ислоҳотга ҳам жиддий тайёргарлик кўриши керак.

Учинчидан, янгиланган Конституция талаби асосида маҳаллий Кенгашлар яқинда ҳокимларни лавозимга тасдиқлашда, уларнинг ҳудудни ривожлантиришга оид дастурларини илк бор кўриб чиқиб, маъқуллади.

Халқимиз депутатлардан бу дастурлардаги вазифалар ижроси бўйича депутатлик ва Кенгаш назоратини амалга оширишда фаол ва ташаббускор бўлишни кутмоқда.

Мисол учун, сўнгги беш йилда йўл қурилиши соҳасига 48 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса-да, йўлларнинг 32 фоизи ёки 66 минг километри ҳануз таъмирталаб аҳволда. Ичимлик суви ва канализация тизимига эса 23 триллион сўм маблағ йўналтирилган, лекин 747 та маҳалладаги қарийб 8 миллион аҳоли ҳали ҳам марказлашган тармоққа уланмаган. Марказлашган иситиш қозонларининг 8 фоизи ҳамда иссиқлик тармоқларининг 14 фоизи яроқсиз аҳволда.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг 826 таси ёки 70 фоизи, қишлоқ аҳоли пунктларининг 5 минг 859 тасида ёки 78 фоизида бош режа йўқ. Оқибатда, жойларда пала-партиш ва ноқонуний қурилишлар кўпайиб бормоқда. Ўтган йили рўйхатдан ўтказилмасдан қурилиш бошланган 1 минг 600 та объект аниқланган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 1 минг 900 тадан ошгани ҳам бунинг далилидир.

Бу эса маҳаллий Кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлашини тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бюджет муносабатлари соҳасида маҳаллий Кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. Биз 2025 йилда ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарларнинг ўзида қолдириш бўйича қарор қабул қиламиз. Бу орқали маҳаллий Кенгашларнинг ушбу соҳадаги роли янада ортади. Натижада 2025 йилда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромади 9,4 триллион сўм ёки 47 фоизга ошади.

Мисол учун, биргина Хатирчи туманининг бюджетида даромадлар 69,4 миллиард сўм ёки салкам 2 баробар, Бухоро туманида 29 миллиард сўм ёки 1,3 баробарга кўпаяди.

Бу ислоҳотларимиз туман ва шаҳарлардаги масъул ва мутасадди шахслар ўз ҳудудларидаги муаммоларни мустақил ҳал этиши учун имкониятни тубдан ошириш баробарида маҳаллий Кенгашлардан яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалалар ечими бўйича асосли ташаббусларни илгари суришни ҳам талаб этади.

Сенат эса бу йўналишларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, уларга кўмаклашиб бориши зарур.

Тўртинчидан, янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юкланган.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу Кенгашлар 34 минг 400 та қарор қабул қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қанчалик муҳим вазифа экани яққол аён бўлади. Сенат бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши керак. Бу йўналишда юқори палата ҳузурида яқинда ташкил этилган Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим бўлади.

Бешинчидан, Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир.

Ҳар бир қўмита жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечими юзасидан ўтган беш йил давомида ўртача 37 тадан назорат-таҳлил тадбири ўтказган. Албатта, бу кўрсаткич ва рақамлар яхши. Лекин назорат тадбирлари кутилган натижа беряптими, улардан кейин жойларда аниқ бир муаммо ўз ечимини топяптими, деган савол сенаторларимизни ўйлантириши керак.

Шу боис, қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Ҳар бир қўмита ўз йўналиши бўйича маҳаллий Кенгашларга кўмаклашиб борса, табиийки, уларнинг фаолияти ҳам сезиларли даражада кучаяди.

Олтинчидан, биз камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта дастурларни амалга оширмоқдамиз.

Тўрт йил аввал 23 фоиз ёки 7,5 миллион нафар аҳолимизнинг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Ўтган даврда 3,5 миллион фуқаро учун даромад олиш имкониятини яратиб, камбағалликни 11 фоизга туширишга эришдик. Келгуси уч йилда уни 7 фоизга туширишни режа қилганмиз.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йили бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирамиз. Яна бир янгилик – янги йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, 50 га яқин имтиёзларни ўзида мужассам этадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими йўлга қўйилади.

Даромади ва соғлиғини йўқотиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш кўлами босқичмабосқич кенгайтирилади. Бунинг учун “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўлами кенгайтирилади.

Хабарингиз бор, бугунги кунда имконияти чекланган болаларнинг аксарияти ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда таълим олмоқда. Уларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши учун тўсиқсиз муҳит ва зарур шароит яратилади, махсус педагог ва психологлар жалб қилинади.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Жамиятимизда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари учраётганидан хабарим бор. Биз миллий маданиятимизга хос бўлмаган бундай иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашишимиз шарт. Бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлади.

Шу боис, яқинда боланинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилинадиган, жисмоний ва руҳий азоб етказиши мумкин бўлган барча ҳолатларда давлат томонидан тегишли ҳуқуқий ва ижтимоий чоралар кўрилишини қонун билан мустаҳкамлаб қўйдик.

Прокуратура органлари зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чораларни янада кучайтириши керак.

Ана шундай режа ва ташаббусларимизни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки, ҳеч шубҳасиз, жуда муҳим.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашиш йўналишида миллий кенгаш фаолияти йўлга қўйилиб, Сенат раиси унга раҳбарлик қилиши тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги беш йилда “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги” кўрсаткичида Ўзбекистон 23 поғона юқори кўтарилиб, 2023 йилда 140 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллади ва Марказий Осиё минтақасида бу йўналишда сезиларли ижобий кўрсаткични намойиш этди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш бўйича “Очиқлик индекси” жорий этилди. Баҳолаш натижаларига кўра, қониқарсиз деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари Миллий кенгаш йиғилишларида эшитиб борилмоқда. Бироқ, бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли. Ўтган йили коррупцияга оид жиноятлар 12 фоизга камайган бўлса-да, 6 минг 500 нафар шахс коррупцияда айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Умуман, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Сенат аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, ёш авлод онгига қонунга ҳурмат, тўғрилик ва ҳалол меҳнат тушунчаларини сингдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Саккизинчидан, Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда бир фикрга урғу бериб айтмоқчиман: Сенатнинг ушбу конституциявий ваколати фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Юқори палата қўмиталарида номзодларнинг фаолияти билан танишиш ва баҳо бериш, улар ҳақида хулоса билдириш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Шу билан бирга, судьяларнинг мақоми ва судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини, суд тизимини молиялаштириш учун маблағлар ажратишда ушбу ҳамжамиятнинг иштирок этиш кафолатларини алоҳида қонунлар билан белгилайдиган вақт келди, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун сизлар билан бирга кун тартибига киритилган ташкилий масала – Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига ҳурматли сенаторимиз Танзила Камаловна Норбоева номзодини тақдим этмоқчиман.

Ушбу номзодни барчангиз яхши танийсиз. Танзила Камаловна давлат ва жамоат бошқарувида бой тажрибага эга. Ўтган даврда унинг Олий Мажлис Сенати Раиси сифатидаги самарали фаолияти натижасида мамлакатимизда хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазият сезиларли равишда яхшиланди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари борасида илгари сурилган кўплаб ташаббуслар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Ҳурматли Танзила Камаловна юксак лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда янада муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ҳурматли сенаторимиз Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу раҳбарни мамлакатимизда ва халқаро майдонда танилган йирик дипломат, жамоат арбоби сифатида яхши танийсиз. Содиқ Солиҳовични барчангиз яқиндан билганингиз туфайли у кишининг меҳнат фаолияти ҳақида узоқ тўхталиб ўтирмайман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига ҳурматли сенаторимиз Аманбай Тлеубаевич Оринбаев номзодини тавсия этаман.

Бу инсон халқимизнинг фидойи фарзанди бўлиб, 2022 йил 26 августдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, ўша йилнинг 13 сентябридан бир пайтнинг ўзида Сенат Раиси ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Аманбай Тлеубаевич кўп йиллар ички ишлар органлари тизимида масъул лавозимларда самарали хизмат қилган. Меҳнат фаолияти давомида ўзини масъулиятли, Ватанга, касбига садоқатли, синовли даврларда одамларни жипслаштира оладиган жонкуяр раҳбар сифатида кўрсатди.

Сизлардан Аманбай Оринбаев номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари этиб сайланган Танзила Норбоева, Содиқ Сафоев, Аманбай Оринбаевни бугунги юксак ишонч билан шахсан ўз номимдан ва сизларнинг номингиздан чин қалбимдан табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **“Салтанат тўнини кийгач, танимдан ҳаловат кетди”,** деган таъсирчан сўзларини кўпчилигингиз ўқигансиз, албатта. Улуғ аждодимизнинг ушбу сўзларида давлатчилик ишига, эл-юрт хизматига бел боғлаган инсон амал қилиши зарур бўлган олий мезон назарда тутилганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Чиндан ҳам, давлат ва халқ хизматчисининг – у сенатор ёки депутат бўладими, ҳоким ёки вазир бўладими – раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олганидан сўнг бегам-бепарво, лоқайд бўлиб юришга, ҳузур-ҳаловатга берилиб яшашга маънавий ҳаққи йўқ.

Ўзингиз тасаввур қилинг, 37 миллионлик халқдан фақатгина 65 нафар инсонга сенатор бўлишдек юксак шараф ва бахт насиб этди. Бу улкан ишонч ва масъулиятнинг қадрига етиш, уни ҳалол ва содиқ хизмат билан оқлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Донишмандлар айтганларидек, **виждонан қилинган меҳнатдан – нажот, адолатдан – ютуқ ва зафар ҳосил бўлади**.

Сизлар Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшасизлар, халқчил ва адолатли қонунлар қабул қилиб, барчага ўрнак бўласизлар, деб тилак билдираман.

Мен сиз, муҳтарам сенаторлар тимсолида ана шундай катта ишларга қодир, Ўзбекистон олдида турган стратегик вазифаларни чуқур англайдиган, Ватан ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган фидойи инсонларни – ўзимнинг энг яқин маслакдошларимни кўраман.

Сизлар бор билим ва тажрибангиз, куч ва имкониятингизни ишга солиб, мамлакатимиз ҳаётида, Сенат фаолиятида янги, ёрқин саҳифа очасиз, деб ишонаман.

Ана шундай шарафли йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан куч-ғайрат, омад ва зафарлар тилайман.

ИНСОН ҚАДРИ

АДОЛАТ ВА УМИД ДАРГОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилояти Халқ қабулхонаси мудири, “Меҳнат шуҳрати” ва “Дўстлик” орденлари соҳиби Баҳодир Юсупов ҳузурида



Наманган шаҳрига кираверишда пештоқида мамлакат рамзи — Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилояти Халқ қабулхонаси биноси кўзга ташланиб туради.

Бинога кираверишга Президентимизнинг “Инсонларнинг дарду ташвиши билан яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир” деган шиор зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Мурожаатчилар учун кутиш заллари, она ва бола, тиббиёт хоналари энг замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Бу идорада мурожаатчилар учун барча шароит ва қулайлик муҳайё.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзолангач, ўтган давр ичида мамлакатимизда ташкил этилган Халқ қабулхоналарига юз минглаб ҳамюртларимиз мурожаат қилдилар. Буюк шоир ва мутафаккир, ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг **“Одамий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”** деб битилган ҳикмати асрлар ўтса-да, янада аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда.

Вилоят Халқ қабулхонаси мудири Баҳодир Юсупов ҳузуридаман. У киши билан 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олаётган даврда танишганмиз. Ўшанда Баҳодир Юсупов Учқўрғон туманидаги “Андижон” жамоа хўжалиги раҳбари эди.

У қайси жабҳада ишлаган бўлса, доимо фидойилиги билан эл назарига тушган. Эл-юрт, давлат манфаатларини муқаддас деб биладиган, шижоатли, сабр-матонатли, меҳр-оқибатли, иймон-эътиқодли ва энг муҳими, камтарин раҳбар. Уни ҳурмат қилишимнинг яна бир боиси — жуда кўп китоб ўқиган зиёли инсон, журналистларга адабиёт ва ижод аҳлига доимо эъзоз ва эътибор билан муносабатда бўлади.

Бу галги суҳбатимиз ҳам самимий руҳда бошланди.

— Халқ қабулхонасидан ҳеч ким ноумид кетмаслиги лозим, — дея сўзини бошлади Баҳодир ака. — Аҳолининг ҳақиқат излаб, адолат қидириб, ҳуқуқларини талаб қилиб ёзган мурожаатлари тажрибали ва билимли ҳуқуқшуносларимиз томонидан чуқур таҳлил этилиб, ечими топилмоқда. Муаммоларни вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар Халқ қабулхоналари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа идоралар вакиллари тезкорлик, шаффофлик тамойиллари асосида қонуний ва холисона ҳал қилишмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятимиз бўйича Халқ қабулхоналарига 68 минг 100 тадан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатчилар орасида пенсия ва ижтимоий таъминот, алимент ва қарз ундириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари фаолияти, меҳнатга ҳақ тўлаш, дафтарлар асосида ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар ва улар бўйича иш юритишга оид муаммолар, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, моддий ёрдам ва ҳомийлик масалаларида фуқаролар мурожаатлари миқдори бирмунча ошди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлиги етарли даражада эмаслиги, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларидан бехабарлиги, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш, уни рад этиш бўйича қарор оиланинг даромади, бандлиги ва бошқа маълумотлар вазирлик ҳамда идораларнинг электрон маълумотларига асосан инсон омилисиз (аралашувисиз) чиқарилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Кейинги пайтларда давлат ижрочисининг бир ойлик иш ҳажми кўплиги, алимент ундирувига оид ҳужжатлар вақтида ўрганилмаслиги туфайли фуқаролар мурожаатлари ортиб бормоқда.

Ўз аҳли аёли ва фарзандлари тақдирига бефарқ қараб, алимент тўлашдан бош тортаётган номард оталар кўпайиб бормоқда. Норасида фарзандларини етаклаб, дарду ҳасратини айтиб, йиғлаб келаётган ёлғиз оналар муаммоларини бартараф этиш учун алоҳида диққат-эътибор зарур. Улар халқ қабулхоналарини адолат излаб умид билан келар экан, уларнинг муаммоси — жамиятнинг ҳам муаммоси деб қабул қилмоқдамиз. Чунки алимент ололмай сарсон бўлаётган моддий ва маънавий ночор аҳволдаги аёллар қарамоғида қанчадан-қанча норасида болалар тарбияланаяпти. Оталар тириг-у, болалар қорни тўймай, усти бут бўлмай бўзлаб турса, бу ҳол бева аёл учун оғир кўргилик-ку! Ходимларимиз шундай мураккаб аҳволга тушиб қолган мурожаатчи аёлларнинг ҳар бирининг дарду ҳасратларини меҳр-шафқат билан эшитиб, ижобий хал қилиш чораларини кўришмоқда.

Айрим масъул мансабдорларнинг фуқарога “отангга бор, онангга бор” қабилидаги сансоларлик муносабатларига чек қўйилмай, фуқаро муаммоси ечимини ўзининг зиммасидан соқит қилиб, аризаларни бошқа идораларга йўналтириш ҳоллари ҳам, афсуски, учраб турибди. Маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги оқибатида мурожаатчилар юқори республика даражасидаги раҳбарларга, шу жумладан, Давлат раҳбарининг қабулига кириш учун пойтахтга боришмоқда. Вилоятимиздаги 113 нафар фуқародан Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига 174 та мурожаат қилинган. Халқ қабулхоналари вакилларининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятдаги секторлар раҳбарлари, ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва туман секторлари раҳбарлари томонидан 78 нафар фуқаронинг шундай мурожаати тингланиб, улардан 21 таси ижобий ҳал этилди. 56 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилди ва биттаси эса тугатилди.

Маълумотлардан аён бўлдики, жорий йилда мурожаатлар билан ишлаш бўйича камчиликларга йўл қўйган давлат идоралари ва ташкилотларига халқ қабулхоналари томонидан 267 та тақдимнома киритилган бўлса, 297 та таклиф ва 590 та кўрсатма берилди. Натижада 205 нафар масъул ходим огоҳлантирилиб, 255 нафарига эса интизомий жазо чораси кўрилди. 16 нафар масъул ходим ойлик иш ҳақидан жарима тўлади ва 101 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Мурожаатлар билан ишлашда йўлга қўйган масъулиятсизликлари учун йигирма нафар масъул шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бундан ўн йиллар аввал аҳоли мурожаатларига, арз-додларига эътиборсизлик шу даражага етган эдики, одамлар ўз дарду ташвишлари, муаммою мушкулотларини айтишга безиллаб қолганди. Ёзишмалардан ҳафсалалари пир бўлиб, давлат ва ҳокимият идораларига ишонмай қўйишганди. Халқ адолат ва ҳақиқатни юзага чиқарувчи ҳуқуқ-тартибот идораларига умидсизлик билан ноиложликдан мурожаат қилишарди. Аризаларга расмиятчилик учун бир қолипдаги берилган жавоблардан шикоятчиларнинг кўнгиллари қолган эди...

Мурожаатларнинг аксарият қисми замирида инсонларга муносиб турмуш тарзи яратиш масаласи турар экан, муаммонинг ижобий ҳал этилиши аҳоли розилиги йўлида қилинган муҳим ва савобли қадамдир.

Халқ қабулхоналарида бугунги муҳит мутлақо ўзгача. Фуқаролар мурожаатларини рўйхатга олиш ва уларни ўрганиш жараёнлари тез ва шаффоф, ўз муддатида, рақамли технологиялардан фойдаланилган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Тажрибали, халқпарвар ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган нуфузли ҳуқуқшунос ва мутахассислардан таркиб топган вакилларнинг аҳоли билан бевосита мулоқотлари ташкил этилмоқда. Мурожаатчиларнинг ҳаётий муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, лўнда қилиб айтганда, одамларнинг оғирини енгил қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар туфайли одамлар Халқ қабулхоналарини адолат ва умид қалъаси деб аташмоқда.

Мамлакатимизда яқин-яқингача ҳам камбағал сўзини ўз номи билан атамас эдик. Оммавий ахборот воситаларида бу сўз кам таъминланган деб ёзиларди.

Муҳтарам Президентимиз биз журналистларга ҳам ижтимоий ҳақиқатнинг кўзига тик қарашни ўргатди. Бойни бой, камбағални камбағал деб айта оладиган бўлдик. Бир пайтлар “бизда ҳамма бой, фаровон яшайди” деб ёлғон гапириш, ёзиш одатий ҳолга айланганди. Гарчи бунга ҳеч ким ишонмаса-да. Бугун эса камбағалликка қарши курашиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳам ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратишдир. Бу дастуриламалда 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан икки баробарга камайтириш мақсади белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Албатта, Наманган вилоятида ҳам улкан ўзгаришларни амалга ошириш учун долзарб вазифалар турибди. Шу билан бирга ўз жавобини кутаётган ўткир муаммолар ҳам бор. Аҳоли ҳаётининг барча соҳалари қатори фуқароларимизнинг онги ва дунёқарашида ҳам ўзгаришлар бўлишини давр тақозо этмоқда.

Халқ манфаати — ҳамма нарсадан улуғ. Ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда ҳеч кимни эътибордан қолдирмаслик тамойили асосида иш олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими ўз самарасини бермоқда. Вилоятнинг ҳар бир туманида биттадан энг ночор аҳволда яшовчи, муқаддам бирор-бир ташкилотга мурожаат қилмаган хонадонлар аниқланиб, туман (шаҳар) Халқ қабулхонаси раҳбарлари ўзи ва ёр-дўстлари билан мазкур хонадондаги уйларни таъмирлаб, оиласини камбағалликдан чиқариш ишларига астойдил киришилди.

Биз Баҳодир Юсупов ҳамрохлигида ана шундай хонадонларда бўлдик. Наманган шаҳар 2-сектор ҳудудидаги “Даштбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини Ғирвонсой кўчаси 20-уйда бизни олтмиш олти ёшли Ёқубжон ота Юсупов ҳаяжон билан тўлқинланиб кутиб олди.

— Бу хонадон ўттиз йилдан буён таъмирланмай абгор ҳолатга, тўғриси, яшаб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолган экан, — деди Наманган шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Ҳасанбой Қосимов. — Бу хонадонда оила бошлиғи Ёқубжон Юсупов қирқ йил “Навбаҳор” футбол клубида матбуот масалалари бўйича ходим бўлиб ишлаган. Уларнинг қирқ тўрт ёшли ўғли Равшанбек болаликдан биринчи гуруҳ ногирони. Бечора Зуҳрахон она куну тун ногирон ўғлининг парвариши билан овора экан. Қизи Машҳуранинг ҳам ҳаёти ўхшамай, эридан ажрашиб, саккиз йилдан бери икки нафар фарзанди билан ота-онасининг хароб ҳовлисида яшар экан.

Шаҳар Халқ қабулхонаси мудири бизга тақдим этган бу хонадоннинг аввалги ҳолатдаги суратини кўриб, шундай фаровон замонимизда, шаҳар ҳудудидаги аянчли ва ночор яшаган фуқаролар аҳволига ачинмай илож йўқ эди. Зудлик билан чоралар кўрилиб, Халқ қабулхонаси ходимлари ва ҳомийлар ёрдамида Ёқубжон ота Юсуповнинг уйи томлари ва шифт қисмлари тўлиқ қайта қурилди, ташқи деворлар таъмирланди. Хонадонга кириш дарвозаси янгиланди, ҳовли четида оғилхона қурилди. Қўлбола иссиқхона қилиниб, кўкатлар экилди. Икки ойга етадиган сабзавот маҳсулотлари билан таъминланди.

Уйчи туманидаги “Ғайрат” маҳалла фуқаролар йиғини Ойбулоқ кўчасида яшовчи Эрмамат Нурматов хонадонидамиз. Бу хонадон аъзолари ҳам жуда аянчли аҳволда яшаётган бўлган. Уларга туман Халқ қабулхонаси ва ҳомийлари томонидан бир хонали уй, дарвоза, ошхона, бостирма қуриб берилибди. Бошқа уйларнинг эшик-деразалари ҳам янгиланибди. Ҳомийлар томонидан телевизор, газ баллон, газ плита ва икки ойлик озиқ-овқат захираси билан таъминланган. Бу хонадон ҳовлисидаги иссиқхонада турли кўкат ва ризаворлар ўстирилмоқда. Хонадон соҳиби Эрмамат Нурматов ва унинг турмуш ўртоғи ишга жойлаштирилди.

Мингбулоқ туманидаги “Қизилқум” маҳалласида “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” дастури асосида амалга оширилган ишлар ижодкор сифатида бизни жуда қувонтирди. Чекка бир қишлоқдаги йўллар янгидан асфальт қилинибди. Обод хонадонлар ва уларнинг атрофидаги шакл берилган дарахтлару гулларни кўриб ҳавасимиз келди.

Маҳалладаги Алишер Навоий кўчасида 18 та хонадон бор. Уларда 92 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг бир нафари “Аёллар дафтари”да, уч нафари эса “Ёшлар дафтари”да рўйхатда туради. Ушбу кўчада яшовчи олти нафар ишсиз фуқароларнинг уч нафарига ўзининг ўзи банд қилиш ҳамда оилавий даромадини ошириш мақсадида тикув машиналари берилган.

Бу кўчада олтита тунги ёритиш қурилмалари ва электр ҳисоблагич ўрнатилган. Тажриба тариқасида тунги ёритиш учун сарфланган электр энергияси ҳақини аҳоли томонидан тўлаш жорий қилинибди. Хонадонларга соғломлаштириш учун спорт анжомлари берилган ва китоб бурчаклари ташкил этилган бўлиб, эшиклари олдига эса чиқинди ташлаш қутилари ўрнатилган.

Президент Халқ қабулхонаси ташаббуси билан Наманган вилоятида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаини шакллантириш ва шу асосда турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган “Мурожаатдан — даромадга” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Куни кеча шу лойиҳа асосида Норин туманидаги 1-сон касб-ҳунар мактабида ташкил этилган тадбирда туман халқ қабулхонасига қилинган мурожаатлар асосида ўн учта тикув машинаси, тўртта мотокультиватор, битта автомобиль ювиш ускунаси, битта катта печь, битта принтер берилди. Натижада иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди ва даромад олишлари учун имконият яратилди.

Фуқаролар бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш учун “Маҳалла еттилиги” ишини янада жонлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, одамлари ҳаётдан рози бўлган Ватан осуда, обод ва файзли бўлади.

Бундай савобли ишда Халқ қабулхоналари, жумладан, Наманган вилояти Халқ қабулхонаси фаолияти ибратли бўлмоқда.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МАЪНАВИЯТЛИ ҚАЛБЛАРДА ЁМОНЛИК БЎЛМАС

1-6.

Марказ томонидан тайёрланган видеороликда эса ахлоқсизликни тарғиб қилувчи медиамаҳсулотлар сифатида сериаллар, клип ва турли блогерлар томонидан тайёрланган видеолар кўрсатилган.

“Маънавий экспертиза” лойиҳасининг тўлиқ ишлаши ва жамиятда кутилган натижани бериши учун эса Марказ барчани ҳамкорликка чорлаган.

“Ахлоқсизлик ва тарбиясизликлар тарғиб қилинган медиамаҳсулотларни аниқлаш, намойиш қилиш ва кенг тарғибот қилиш бўйича билдирилган ҳар бир фикр, мулоҳаза ва таклиф қимматли. Зеро, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни азалий миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифамиздир”, — дейилган мурожаатда.

...Аслида, маънавият йиллар, асрлар давомида сайқалланиб боради. Маънавиятга қанчалик кучли эътибор қаратилса, шунчалик юксалаверади. У одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, фикр тарзида, ўй-хаёллари тилида сўзга айланганида намоён бўлади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бугун маънавият масаласи айрим кимсалар томонидан кўп бора “Маънавият керакми?” деган иддаоли чиқиши билан ўзининг ҳамон долзарблигини кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, маънавият “оммавий маданият”-дан сабоқ берди. Унинг мазмунию мақсадларини кўрсатди. Чунки “оммавий маданият” бир кўринишда беозор, ёқимли. Унинг асл мақсади йиллар ўтгач намоён бўлади. Бирдан. Оғриқли. Ҳаракатларимизда. Турмуш тарзимизда. Тақлид туфайли. Илмсизлик сабаб. Эътибор қилсак, либосларимиз ўзгарди, ҳаётимизда ғарбона тарз устуворлик қила бошлади, эр-хотин муносабати, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги оқибат, силайи раҳм... Бу рўйхат узун. Булар – йўқотганларимиз. Сақлаб қолганларимиз ҳам бор. Ривожлантирганларимиз ҳам.

Энг муҳими, маънавият бу масалаларда бизга онгли ёндашувни ўргатди. Шуниси муҳим. Зеро, битта бўлса ҳам, онгли қабул қилинган эзгу амал бардавом бўлади. Шунга кўра, фуқароларда ёт ғояларни тарғиб қилувчи фильмлар, сериалларга нисбатан негатив муносабат шаклланди; китоб танлаш маданияти мустаҳкамланди; дунё халқларидан ўрганиш баробарида уларга маънавият, маданият улашишни ҳам ўзлаштирдик. Зеро, халқимиз бунга муносиб, ҳақдор. Санъатда устуворликка эришган ғарб мусиқаси, санъати ўрнини азалий мақом эгалламоқда. Бунга юртимизда нишонланаётган халқаро мақом фестивалларини ёрқин далил бўла олади. Баркамол қалб инъикоси, нидоси, муножоти бўлган мақомни халқимиз тинглашга, англашга тайёр. Интиқ.

Яна бир жиҳати шуки, маънавият бизга тарбиянинг нелигини ўргатди. Шарқ ва Ғарб қиёс қилинганда, таълим ва тарбиянинг муддати муҳим ҳисобланади. Чунки таълим, яъни илм ўрганиш ва ўргатиш одам боласи учун бир умрлик. Ислом динида суннат ва ҳатто фарз саналади. Аммо тарбия масаласи ўзгача. У Ғарбда балоғат ёшида амалда тўхтайди. У ёғига ёшларни “ҳаётнинг ўзи тарбиялайди”. Шарқда тарбия — бир умрлик иш. Бу юртларда тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланувчидир. Ҳатто кексаларимиз набираларига қараб ўрганади, ҳаёт тарзини белгилайди. Халқимиздаги “одобни одобсиздан ўрган” ҳикмати ҳам шундан. Бинобарин, ҳаё, илм, имоннинг ҳудуди — катталиги, ҳажми, кўлами, одоб-ахлоқ даражаси тарбиянинг муддатига боғлиқ. Шунинг учун Шарқ ҳаёда, илмда, эътиқодда — маънавиятда пешқадам. Шу боисдан айтиш мумкинки, ҳозир шарқона ҳаё Ғарб учун таҳдид, улар қабул қилиши мушкул одатдир.

Яна бир муҳим томони, маънавият аждодларимизни танитди. Шу пайтга қадар уларни соф манбашунослик, матншунослик жиҳатидан ўрганар эдик. Энди алломаларимизнинг илмий меросига мурожаат кучайди. Уларни ҳаётга кенг жорий этиш йўллари изланмоқда. Биргина мотуридия таълимотининг ёрқин вакили, таниқли теолог Абу-л-Муин Насафийни олайлик. “Бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган аллома” ўз даврида бугуннинг бузғунчи ғояларига қарши самарали курашиш йўлларини ўргатиб кетган эди. Асарларида исёндан қайтариб, илмга тарғиб қилган аллома мероси қайтадан тирилди гўё, асарлари шарҳ ва изоҳлари билан таржима қилинди. Ҳаёти ва илгари сурган илғор ғояларига бағишланган, бирламчи манбаларга таяниб, суратга олинган ҳужжатли-бадиий фильм халқимиз эътиборига ҳавола этилди.

Кўриниб турганидек, Абу-л-Муин Насафий сингари юрти, дини, халқи учун жон фидо қилган юзлаб, балки минглаб алломаларимиз илмий меросини илмий асосда изчил ўрганиш, улардан кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларимизни хабардор қилиш долзарблик касб этмоқда.

Маънавият исрофни эслатди. Исроф ҳам турлича. У молу дунёда ҳам, илмда ҳам бор. Ортиқча харажат ҳам, ноўрин сарф ҳам исроф. Ҳадисларда келтирилганидек, зиёфатнинг ёмони муҳтожлар қолиб, қорни тўқлар жамланганидир. Илмни ҳар кимга ўргатиш ҳам, бефойда илмга ружу қўйиш ҳам исроф. Демак, шогирд танлаш ҳам маҳорат ва ақл ишидир. Юксак маънавиятли инсон буларнинг барчасига тафаккур билан ёндашади. Тўй ва маросимларни камхарж қилади. Ўғлини ориятли қилиб тарбиялаб, келиннинг сепига кўз тикмайди.

Бизнингча, фитначи, жоҳил инсонлар билан бефойда баҳсу мунозарага киришиш вақт ва илм исрофи бўлса керак. Балки бундайларни шунчаки унутиш, асоссиз сўзларини эътиборга олмаслик, тингламаслик мақсадга мувофиқдир. Унинг ўрнига эзгу ишларга рағбат қилиш, вақтини илмга сарф қилиш мақсадга моликдирки, маънавият шундан куч олади.

Маънавият оила маданиятини ислоҳ қилди. Яхши ва ёмон хулқ оилада шаклланади, тарбия этилади. Унинг раҳбари — тарбиячиси бор. Оила раҳбарининг маънавиятию маданияти — қолган аъзолар учун ибрат, намуна. Оила маънавияти шунинг учун керак-да. Аслида, ҳар бир оила аъзосининг бурч ва вазифалари, мажбуриятлари аниқ белгиланган. Қадриятларимиз билан тартибга солинган. Уларга кўра, ота — раҳбар, она — тарбиячи, фарзандлар — ўрганувчи, итоат этувчи, ҳурмат қилувчи, тингловчи... Кексалар — дуогўй. Ёши улуғларда жамланган узоқ йиллик ҳаёт тажрибаси ёшларга аталган. Ёшларнинг куч-қуввати, хизмати эса катталарга. Бугун шуни англадик. Оилада фарзандлар ҳурматдан хизматга ўтди. Шу сабаб кексаларимиз иззатда, уйнинг тўрида.

Маънавият шу аснода динни англатди. Дин бошқа, эътиқод, ихлос бошқалигини билдик. Ҳар қандай дин даъвоси ҳам мукаммал имон эмаслигини тушундик. Диний масалаларга онгли ёндашув шаклланди. Бунда буюк аждодларимиз меросига таяндик. Хусусан, самарқандийлар, бухорийлар, термизийлар, шошийлар, фарғонийлар, насафийлар, уструшонийлар, субахийлар... қолдирган беназир илмий мерос муҳим. Улар орқали исломнинг асл ҳақиқатини англадик. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозир дин борасидаги ўзгача таҳдидлар тобора кўпаймоқда. Аҳли зиё, маънавият вакиллари бу таҳдидларни чуқур англайди, қарши кураш йўлида бирлашади. Бунга ишонамиз. Демак, маънавият аҳли олдидаги вазифалардан яна бири ижтимоий тармоқ орқали кенг тарғиб қилинаётган мафкуравий таҳдидларга ўринли, асосли курашишдир.

Маънавият шукрни тарғиб қилади. Шукр ҳар кимда бор ва турфа. Раҳбарнинг шукри — унинг адолати, ходимники — итоати, ота ва онанинг шукри — масъулиятни ҳис этиши, фарзандники — хизматга шайлиги, олимнинг шукри — билганларини бошқаларга етказиши, огоҳлантириши, тарбия қилиши, жоҳил (илмсиз)ники — ўрганишга жаҳд қилиши... Хуллас, ҳар ким ўз бурчига садоқат кўрсатиши — шукр. Бундан ташқари, маънавий шукр ҳам бор. У қадриятларни эъзоз билиш, илмга рағбат қилиш, ўтганларга ҳурмат, келажак авлодга масъулиятли бўлишдирки, бу барчага бирдек тегишли.

Ҳар жабҳада бўлгани каби маънавий соҳада ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Уларни бартараф этиш миллат равнақи, жамият тинчлиги учун зарур. Шукрни зиёда қилиш учун даркор. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр”, дейди доно халқимиз. Дунёга боқайлик. Маънавиятдан кечганлар аҳволига назар солайлик. Маънавиятни қадр қилгани боис тараққий этганлардан ҳайратланайлик. Зеро, ҳайратдан маънавият пайдо бўлади. Маънавият мустаҳкам жой олган қалбда эса ёмонлик бўлмайди!

Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли.

АТОҚЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АЖИНИЁЗ ТАВАЛЛУДИГА 200 ЙИЛ ТЎЛДИ



ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азалдан дўстлик ва биродарлик ришталари билан боғланган. Қорақалпоқ адабиёти нафақат бой адабий меросга, балки олис тарихга ҳам эгадир. Ажиниёз қорақалпоқ элининг буюк фарзанди ва тенгсиз сўз заргари эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 19 ноябрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида тантанали адабий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда қорақалпоқ адабиёти вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ихлосмандлари, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Адабий кечанинг кириш қисмида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов икки халқнинг шоири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудига бағишланган тадбир дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашини эътироф этиб, улкан адабий мерос, адиб ижодидаги ўзига хослик каби мавзуларга алоҳида тўхталдилар. Хусусан, М.Ҳожиматов қардош шоир адабий мероси ва унинг ўзбек адабий муҳитидаги ўрни ҳақида алоҳида сўз юритди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қўмита раиси Мурат Атамуратов ҳам ўз сўзи билан чиқиш қилиб, қорақалпоқ адабиётининг ўрганилиши юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Ажиниёз Қўсибой ўғли — умрини халқ ва миллат билан боғлаган. Хивадаги Шерғозихон ва Қутлимурод Иноқ мадрасаларида таҳсил олган. Маърифатпарвар шоир ижод қилиш баробарида Навоий, Фузулий, Бедил асарларидан нусхалар кўчириб, хаттотлик ҳам қилган. Шу билан бирга, қорақалпоқ овулларида муаллимлик қилган. Улкан ҳаётий тажриба натижасида ундан ўлмас асарлар мерос бўлиб қолди.

Ажиниёз асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари юксак даражада тараннум қилинган. Асарлари ўзбек ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган. Туркий адабиёт дурдоналари 100 жилдлик тўпламида ва қорақалпоқ адабиёти дурдоналари мажмуасига унинг ҳам ижодидан намуналар киритилган.

Адабий кечада Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган бир гуруҳ меҳмонлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда тадбирнинг ниҳоятда қизиқарли ва фойдали бўлганлигини таъкидладилар.

Дастур давомида Ажиниёз томонидан ёзилган шеърларга басталанган гўзал куй-қўшиқлар қорақалпоқ ва ўзбек санъаткорлари томонидан ижро этилди.

Атоқли шоир ижодига оид адабий кечалар, учрашувлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этади.

Ўз мухбиримиз.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ ЖУРНАЛИСТЛАРИ — УЮШМА АЪЗОЛАРИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Урганч шаҳридаги Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган “Китобсевар миллат” тадбирида вилоят ва туман ахборот-кутубхона марказларига, Хива шаҳридаги Президент мактаби, Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактаби ва ҳудудий ихтисослаштирилган мактабларга 10 номдаги 540 дона китоб совға қилинди. Тадбирда яна бир қувончли воқеа — уюшмага янги аъзо бўлган журналистларга гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов давлатимиз раҳбари касбдошларни уюшмага аъзо бўлганлари билан табриклаб, улар зиммасидаги масъулият, журналистларга яратиладиган имконият ва имтиёзлар ҳақида сўзлади.

— Йигирма уч йилдан буён Хоразм вилоят телерадиокомпаниясида кўрсатув ва информацион дастурларга телемаҳсулотлар тайёрлаб келаман, – деди журналист Дилрабо Авезова. — Вилоят телеканалида ишлайдиган мухбир ҳам шарҳловчи, ҳам тасвирчи, ҳам муҳаррирлик вазифасини бажаришига тўғри келади. Машаққатли меҳнатимиз эътироф этилиб, уюшма аъзолигига қабул қилинганимдан хурсандман.

ОАВда КЎТАРИЛГАН МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПДИ

Навоий шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги “Навоий зиёси” газетасининг жорий йил 25-сонида чоп этилган мақолада Навоий шаҳридаги “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли уйлар атрофларидаги тартибсизликлар, бу ерда ўзбошимчалик билан савдо расталари ўрнатилгани, ноқонуний эгаллаб олинган дўконлар ташқи қисмлари, реклама баннерлари, очиқ ҳолатда қолган электр кабеллари ҳақида, мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан тегишли масъуллар огоҳлантирилганлиги хусусида ёритилганди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ходимлари “Тараққиёт” МФЙ раиси ва масъуллари билан ҳамкорликда мақолада кўтарилган муаммолар ечими бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан жойида ўрганишлар олиб боришди. Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилгани маълум бўлди.

— Мақолада тилга олинган кўп қаватли уйлар атрофларидаги тартибсиз ҳолатларга барҳам берилди. Ноқонуний ўрнатилган баннерлар олиб ташланди, чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилиши таъминланмоқда. Маҳмуд Торобий кўчасидаги савдо дўконлари ва ов-қатланиш нуқталари атрофларидаги санитария-гигиена талабларига зид ҳолатларга барҳам берилиб, кўча йўлакларига дарахтлар экилди, – дейди “Тараққиёт” МФЙ раиси Зарина Ражабова.

НУКУСДА МАТБУОТ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ташкил этилган “Матбуот ҳафталиги”ни оммавий нашрлар ходимлари, ўқитувчилар, жамоат вакиллари мамнуният билан кутиб олдилар.



Бу ярмарка Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг қўллаб-қувватлаши билан аҳолини республикада чоп этилаётган газета-журналлар билан таништириш, уларнинг обунасини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, кундалик воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета-журналларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган 34 та газета, 5 та журнал ўз муштарийларига эга.

Аммо сўнгги йилларда обуначилари сони камайиб бораётгани сабабли, таҳририятлар қатор иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқда.

— Матбуот нафақат халққа ахборот етказувчи, балки маънавият ва маърифат улашувчи таъсирчан воситадир, – деди “Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Назира Матяқубова. — “Матбуот ҳафталиги” кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу тадбир куни кеча Президентимиз томонидан зиёлилар, маданият ва санъат вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Ярмаркага ташриф буюрувчилар чоп этилаётган газета-журналларнинг янги сонлари билан танишишди, хоҳловчилар шу ернинг ўзида обунани расмийлаштирдилар.

“ЖИЗЗАХДАН ГАПИРАМИЗ!”

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими томонидан “Вилоят радиоси тарихи” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбир Жиззах вилоят давлат архивида бўлиб ўтди. Унда ОАВ вакиллари, вилоят радиоси ходимлари, Жиззах давлат педагогика университети тарих факультети талабалари иштирок этдилар. ЖДПУ тарих факультети катта ўқитувчиси Мунира Хўжанова радио тарихига оид изланишлари хусусида сўзлаб берди.

Вилоят архивининг бош фонд сақловчиси Фуркат Нормуродов “Телерадиовещание” бўлимида сақланаётган қимматли манбалар ҳақида маълумот берди.

— Мен 1997 йилдан буён вилоят радиосида ишлайман, – дейди радио режиссёри Гулноз Ҳакимова. — Кейинги ўн йилларда студиялардаги қўпол ва катта техника жиҳозлари янгиланиб, ихчам ва самарадор техникалар кириб келди. Бугунги тадбир Жиззах тарихининг бир бўлаги бўлган радиони ўрганиш, унинг жамият тараққиётидаги ўрнини ёритишда жуда фойдали деб ўйлайман.

Талабаларнинг вилоят радиосининг бугунги куни билан танишиш ҳақидаги таклифлари радиоижодкорлар ва Уюшманинг вилоят бўлими томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ЁД ЭТИБ

ИБРАТЛИ УМР МАЗМУНИ

Ўтганларни ёд этиш, уларнинг ҳаётлик чоғларидаги кўпчиликка ибрат бўлгулик эзгу амалларини эслаб, хотирлаш халқимизнинг энг яхши одатларидан ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ўзбек филологияси факультетида бўлиб ўтган тадбир таниқли публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Икром Ўтбосаровнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди.



Икром Ўтбосаров ўз журналистлик фаолиятини болалар нашри — ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида бошлаган. Бир неча йиллар давомида “Қишлоқ ҳаёти” газетасида ишлаган. Кейин “Халқ сўзи” газетасида мухбир, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

— Икром Ўтбосаров ўз услубига эга, ҳалол, меҳнаткаш, фидойи ва иқтидорли журналист эди, — деди тадбир иштирокчиси, таниқли публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳаким Сатторий, — у томонидан ёзилиб, газетада чоп этилган ҳар бир мақола ўқувчилар эътиборида бўлар эди. Айниқса, журналистнинг эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг молиявий, иқтисодий аҳволи шаклланиши, ривожига бағишлаб ёзган қатор мақолалари қизиқарли факт, далилларга бойлиги ва ўзининг чуқур мазмунга эгалиги билан минглаб газетхонларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Тадбирда иштирок этган таниқли журналист Саидолим Ҳайдаров ҳам Икром Ўтбосаровнинг ибратли ҳаёти, қизғин ижоди, узоқ йиллар давомидаги тажрибаси, меҳнатлари эвазига ўзига хос ижод мактаби яратгани, қатор шогирдлар тайёрлагани, ҳозирда улар устозларининг йўлини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизнинг етакчи газета ва журналларида фаолият олиб бораётганлари ҳақида сўз юритди.

Тадбир давомида моҳир қаламкаш, ёшларнинг ардоқли устози Икром Ўтбосаровнинг устозлари, яқин дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари томонидан тайёрланиб, нашр этилган “Меҳрнома” хотира китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Журналистик тадқиқот, публицистик таҳлил ва танқид, мулоқот ва учрашувлар жамланмасидан тузилган ушбу тўпламда таниқли адиб ва журналистлар Аббосхон Усмонов, Ўткир Раҳмат, Жаббор Раззоқов, Абдусаид Кўчимов, Беккул Эгамқулов, Аҳрор Аҳмедов, Анвар Абдувалиев, Ҳаким Сатторий ва яна кўплаб муаллифлар томонидан Икром Ўтбосаровнинг инсонийлик фазилатлари, ҳаётдаги ўрни, журналистик маҳорати ҳақида билдирилган бир-биридан илиқ фикрлар ўз ифодасини топган. Китобдаги ҳар бир мақолада журналистнинг қайноқ қалбининг тафти сезилиб туради. Китоб ҳақида филология фанлари доктори Юсуф Ҳамдамов, тадбир иштирокчилари ва талабалар ўз фикрларини билдирдилар. Ижодкорнинг турли йилларда ёзилиб, “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Музработлик Салом фермер”, “Ўзбек фермери америкалик билан беллашди”, “Ўзбекистон — 28-автомобилсозлик мамлакати”, “Оролбўйида турфа чечаклар очилди” номли мақолалари, “Ватанда сафар қил...” китоби алоҳида эътироф этилди.

Айтиш керакки, мазкур китоб ўзининг мазмун-моҳияти билан энди мустақил ҳаётга қадам қўйиб, ўз йўлини танлаётган ёки бугуннинг талабига жавоб берадиган мутахассис бўлишга интилаётган ёшлар учун ибратли қўлланма бўла олади.

Икром Ўтбосаров ҳаёти ва ижодига бағишланган ижодий кеча жуда қизиқарли, мазмунли ўтди, қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Маржона АЗИЗОВА,
ЎзМУ журналистика ва ўзбек филологияси факультети
3-курс талабаси.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

“ТУРОНБАНК” АТБ ХАЛҚИМИЗГА ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

Аҳолининг молиявий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юртимиздаги банк-молия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай ташкилотлардан бири қарийб 34 йилдан буён Ўзбекистон молия бозорида мижозларга хизмат кўрсатиб келаётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкидир. Бугунги кунда банкнинг республика бўйича 20 та банк хизматлари маркази ва 60 дан зиёд офислари жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 18 ноябрь куни пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки масъуллигида “Туронбанк томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган хизматлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Ушбу анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари, ижтимоий тармоқ фаоллари ва банкнинг кредит хизматларидан фойдаланаётган талаба-ёшлар иштирок этди.

Анжуманда дастлаб “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари Зоҳиджон Обидов сўзга чиқиб, банкнинг молиявий ҳолати, аҳолига ажратилаётган кредитлар ҳақида умумий маълумот берди:

“Банкнинг жами капитали 2024 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 1 трлн 917 млрд сўмни ташкил этмоқда. Айни шу даврда активлар 17 трлн 002 млрд сўмга етиб, 6,7 фоизга ошди. Шунингдек, 2024 йил бошидан юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдори 5 трлн 097 млрд сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда, 9,4 фоизга кўп дегани. Жами кредит қўйилмалари эса 12 трлн 405 млрд сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 4,3 фоизга ўсган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,6 фоизга ўсди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида бизнес эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан жами 3 трлн 27 млрд сўмлик, жисмоний шахсларга эса 466,6 млрд сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Банк мижозларга қулай ва манфаатли бўлган миллий валютада “Premium”, “Kelajak poydevori”, “Ustuvor”, “Imkoniyat plus”, “Maksimum onlayn” ҳамда хорижий валютада “Optimum” каби омонатларини тақдим этиб келмоқда”, деди у.

Маълум қилинишича, банк томонидан пул ўтказмаларининг қулай ва самарали усуллари пластик карталар орқали амалга оширилмоқда. Айтайлик, 2024 йилдан нақд пулсиз ҳисоб-китобни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш бўйича 627 минг 871 дона миллий валютадаги пластик карточкалари муомалага чиқарилган. Шулардан 394 минг 544 донаси “UzCard” ва 223 минг 327 таси “Humo” тизимидаги карталар. Шунингдек, “Туронбанк” аҳоли вакилларига 2 минг 192 та “Visa” ҳамда 731 та “MasterCard” халқаро карталарини очиб берган. Ушбу карталардаги маблағларни нақдлаштириш, кирим қилиш ва бошқа амалиётлар учун республиканинг ўзида 143 та “UzCard” ва 133 та “Humo” ҳамда 62 та валюта айирбошлаш банкоматлари хизмат кўрсатмоқда.

Анжуманда жисмоний шахсларга тақдим этилаётган хизматларга алоҳида аҳамият қаратилди. Банк мутасаддилари берган маълумотларга кўра, йил бошидан “Туронбанк” АТБ томонидан жисмоний шахсларга умумий ҳисобда 476,6 млрд сўм миқдордаги кредитлар ажратилган, шулардан 130 млрд сўми ипотека кредитига, 142,6 млрд сўми ўзини-ўзи банд қилган аҳолига, 66,5 млрд сўми микроқарзларга, 70,3 млрд сўми автокредитга, 21,5 млрд сўми таълим кредитига ва 44,2 млрд сўми онлайн микроқарзлар расмийлаштиришга йўналтирилган.

Матбуот анжуманида “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки чакана бизнес департаменти директори ўринбосари Саидамир Мубаров ҳам сўз олиб, молия муассасаси томонидан аҳолига ажратилаётган ипотека кредитлари тўғрисида маълумот берди: “Туронбанк” бир неча турдаги ипотека маҳсулотларини юртдошларимизга тақдим этиб келмоқда. Булардан бири Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека имтиёзли кредитининг йиллик фоиз ставкаси 17,5 фоизда бўлиб, бошланғич бадали 15 фоизни ташкил этади ва 20 йил муддатга берилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаш компанияси томонидан ажратиладиган ипотека кредитлари мавжуд бўлиб, булар бирламчи ва иккиламчи бозордан хонадон харид қилиш истагида бўлган мижозлар учун берилади. Бу қисман тижорий кредит ҳисобланиб, йиллик фоиз ставкаси 25 фоиз, бошланғич бадали 26 фоиздан бошланади ва 20 йилгача муддатга берилади. Бирламчи хонадонлардан уй сотиб олиш учун эса 800 млн сўмгача бўлган ипотека кредитлари ҳам мавжуд. Уларнинг фоиз ставкаси 21,5 фоиз 20 йилга ажратилади. “Туронбанк” ўз маблағлари ҳисобидан яна тижорий кредитларни таклиф қилади. Фуқароларимизга 10 йиллик муддатга 27 ва 30 фоизлик кредитларимизни таклиф қилиб келмоқдамиз”, — деди С.Мубаров.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида “Туронбанк” АТБ Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда 2022 йилда янги мобиль “MyTuron” иловасининг янгиланган кўринишини ишлаб чиққан. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига келиб, иловадан фойдаланувчилар сони 400 мингдан ортганлиги ижобий натижа, албатта. Муҳими, ушбу илова бир неча дақиқада онлайн микроқарз олиш, пластик карталарга буюртма бериш, картани бепул очиш, турли тўловларни амалга ошириш сингари имкониятларни тақдим этади.



Банк келажакда фуқароларга қулайлик ва янада сифатли имкониятлар яратиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширишни мақсад қилган. Хусусан, яқин орада ипотека кредитлари беришни онлайн тизимда, муддатини қисқартирган ҳолда йўлга қўйишни режалаштирмоқда экан. Бу онлайн кредитлар банкнинг махсус “MyTuron” иловаси орқали, фуқаронинг ҳар томонлама молиявий ҳолатини ўрганиб чиққандан сўнг ажратиш кўзда тутилган. Шунингдек, “MyTuron” иловаси яқин орада янгиланган ва янги имкониятларга эга бўлган ҳолда тақдим этилиши кутилмоқда.

Хуллас, ушбу машваратда “Туронбанк”нинг мавжуд имкониятлари ва жисмоний шахслар учун ажратилаётган кредитлар хусусида батафсил маълумот берилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари эса тадбир юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз.

Хизматлар лицензияланган.





“СУРАТЛАР – МЕНИНГ ҲАЁТИМ, КУНДАЛИГИМ”

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан суҳбат



Бошланиш. 2023



Ичимдаги ичимдадир. 2024

1-6.

Бу — ҳис-туйғулар дунёси. Шунинг учун рассом ўзини алдамаган ҳолда матога кўнгил битикларини тушириши, аниқроғи, битиши керак. Томошабин эса кўнгилдан чиққан асарнигина кўнгил кўзи билан ўқий олади. Бугун жамиятнинг ҳар бир аъзосида турли сабаблар билан катта-катта муаммолари, дардлари, айтолмаган гаплари, тугатолмаган ва охири йўқ ишлари бор. Шуларга ечим бера оладиган, дардларига малҳам бўла оладиган асар яратиш, тақдим этиш керак. Имкон қадар томошабинни нореал ёки хаёлий, илоҳий дунёга олиб кириш керак. Шундагина томошабин асарда яшайди, уни тушунади, оз бўлса-да таскин топади. Натижада ижодкор ва томошабин ўртасидаги мулоқот юзага келади.

— Рассомчилик Сиз учун, бир ифода билан билдирганда, нима? Касбми, кўнгил ишими ёки бошқа?

— Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Чунки рассомчилик менинг ҳаёт тарзимга айланиб қолган. Мен усиз яшолмайман, десам, жуда ҳам муболаға бўлар-у, шунга ўхшаш бир ҳолат... Балки, инсон ижод қилмай ҳам яшар, лекин қийналиб, бўғилиб яшаса керак деб ўйлайман. Шоирни олсак, кўнглига келган сатрларни қоғозга туширолмаса, қўли кесилгандек бўлади. Шу каби рассом ҳам чизмаса тура олмайдиган бўлиб қолади. Суратлар — кўнгил битиклари, хаёлдан ўтаётган, ўзи кўрмоқчи бўлган ҳаёт ифодаси. Рассомчиликни касб дейиш ҳам бироз хато, назаримда. У кўнгил иши, Аллоҳдан берилган дард ва кислород. Усиз нафас ололмайсиз, яшай олмайсиз.

— Ижодкор учун яратган ҳар бир асари фарзандидек қадрли. Сиз учун шу “фарзанд”ларингиздан қай бири севимлироқ?

— Энг оғриқли савол. Чунки бадиий асар — у шеър бўладими, проза бўладими, ижодкорнинг фарзанди. Маълум йиллар худди она фарзандини тўққиз ой кўтариб юриб, ниятлар қилиб, азоблар билан дунёга келтиргани каби ҳолатлардан ўтиб, асар яратилади. Мен бозорчи рассомлар ҳақида айтмаяпман. Уларни ёмонлаш ниятим ҳам йўқ, тирикчилик қилишяпти. Ёзувчи-шоирлар кўнгил битикларини ёзиб қўйишади ва ёзганлари доим улар билан бирга яшайди. Лекин рассом учун қийин, чунки у яратган асарларнинг эгаси бошқа бўлади. Музейларда турса майли, лекин кўплаб шахсий коллекцияларда қандай шароитга тушиши, тақдири нима бўлиши номаълум. У сизнинг юрак қўрингиз маҳсули ахир. Аммо у кимнинг қўлига тушади, бир пулдор одамми ёки олибсотарнингми? Шу ўйлар сабаб рассом фарзанди билан жудаям-жудаям қийналиб видолашади. Менимча, фарзандларим каби азиз асарларимни жуда яхши кўрсам керак, улар қинғирқийшиқми, хирами, жуда зўр чиқмаганми, улар барибир мен учун қадрли, менинг маълум лаҳзалардаги кўнгил ҳолатларим ифодаси. Кўнглимга нима келса, чизаман. Суратлар менинг ҳаётим, босиб ўтган давларим, кундалигим.

— Ижодингизда муҳаббат етакчи ўринда туради. “Оқдевор ошиқлари”, “Муҳаббат дарёси”, “Муҳаббат олмаси”, “Муҳаббат риштаси” каби. Ёшлик, илк муҳаббат, севги армонлари ҳақида сўзлаб берсангиз. Ахир ижодкор ўз асарида ўзининг дунёсини ифодалайди. Муҳаббат сиз учун, сизнинг ижодингиз учун қанчалик муҳим?

— Тимур Зулфиқоровнинг “Хўжа Насриддин” китобидаги менга ёққан бир мисра йиллар ўтган сари ёдимда такрорланаверади:

Жаннатда қор ёғди,
Дўзахда баҳор.

Кўп такрор айтиб юраман, асарларимда ҳам мурожаат қиламан. Ҳозирги кунда ҳам қилаётган ишларим Одам Ато ва Момо Ҳавога бағишланган. Қачонлардир биз муҳаббат, кўнгил истаклари сабаб жаннатни тарк этдик. Жуфт бўлиб яшашни жаннатдан афзал билдик. Яъни гўзал маконни муаммоларга тўла ҳаётга, ерга алмашдик. Алмашишга алмашдиг-у, лекин қачонлардир ҳамма нарсадан устун қўйган муҳаббатнинг қадрини ҳам йўқотдик. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилишига сабабчи махлуқлар бўлган экан. Жаннатнинг гўзал қуши бўлган товус уларни ҳеч ким кўрмасин деб беркитиб турган экан. Илон эса уларни ўзининг хунук овози билан даъват қилган экан. Ҳозир шуларни ифода қилувчи асарлар устида ишлаяпман. Мактаб пайтларимизда Абдулла Орипов томонидан ёзилган, Шерали Жўраев томонидан қўшиқ қилинган сатрларни ёд айтардик:

Дунё деган шундайин
англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...
...Сени эслаб йиғлайман,
биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиғлайман,
биринчи муҳаббатим...

Коллекциямдаги “Оқ девор ошиқлари” номли асар бу — менинг ёшлик даврим, ўтмишим. Мен ғалатироқ одам бўлсам керак, дейман. Истараси иссиқ, чиройли кимники кўрсам, яхши кўриб қолаверардим ва орқасидан кетардим. Муҳаббат кичкина нарса эмас, у илоҳий бир ҳис. Баъзида ўша даврдаги муҳаббатимни бугунги ёшлар муҳаббатига солиштираман. Ҳуснихат билан, бехато, чиройли хатлар ёзар эдик. Ҳозир шифокорларни қаранг, тушунмасин деб ёзадими? Ёзуви бир аҳвол. Ёки бўлмаса ишхонада баъзида ташкилотлардан муҳим ҳужжатлар келади — йигирматалаб хато. Ўша пайтлар шеър, муҳаббат ҳақидаги китобларни ўқир эдик. Ўша даврдаги муҳаббатимизда соф, бокира ҳислар бор эди. Ислом динимизда гўзал нарсалар бор. Никоҳ пайтида йигит ваъда беради: “Никоҳимга олаётган қизни бахтли қиламан, келажагини таъминлайман, чиройли оила боши бўламан”, деб. Ҳозирда буларга кўп ҳолларда ҳеч қандай амал қилинмаяпти, оғиздагина айтилади, холос. Муҳаббатнинг қадри оёқости қилинаётган даврда яшаяпмиз. Навоий ҳазратларининг “Лайли ва Мажнун” достонини олинг, нега Мажнун бошини олиб чўлга чиқиб кетади? Лайлига уйланса бўлмасмиди? Бунинг иложи бор эди-ку. Йўқ, у Лайлига бўлган соф муҳаббатни, илоҳий ҳолатни сақлаб, шундай ҳаётда яшашни афзал кўрди. Чўлда шердан қушларгача унинг дардига дардкаш бўлди. Биз мана шу илоҳий ва пок ҳис-туйғуларни йўқотиб қўйдик. Бир оғиз “Сизни севаман” деган сўзга журъат топа олмай қанча қийналар эдик. Бу сўзнинг салобатини, муҳимлигини, сўзни айтгандан сўнг унинг ортидаги вазифаларни ҳис қилардик. Ҳозир ҳис-туйғусиз отилган ўқдек айтилади, яна қайтилади. Муҳаббат оламида прагматик дунё йўқ. Икки карра икки тўрт бўлмайди. Ҳисоб-китоб керак эмас. Севган инсон иккинчи томоннинг келиб чиқиши, мансаби, иқтисодий томони, ташқи кўриниши учун севмайди. Бугун севги ҳам ҳисобли. Ота-онаси, ясама чиройи, бойлиги учун. Муҳаббат ҳақидаги асарларимда ўша пок, бегубор, ёш даврларимни эслайман. Яхши ҳам инсонда ёшлик бор.

— “Ичимдаги ичимдадир” номли кўргазмангизда “ичимда қарама-қаршилик бор” деган экансиз. Сир бўлмаса, сизни қалбдаги қандай қарама-қаршиликлар қийнайди?

— Мен осмон билан ернинг орасида эдим. Ижод ва илҳом. Меҳнат ва унинг натижаси, яъники, қувонч кўзёши. Тақдир тақозоси билан бир кун ичида оёғимдан тортиб ерга тушириб қўйишди. Қандай дейсизми? Бадиий академияга раис бўлдим. Ўша кунларда бу ердаги ҳаётни том устидаги устахонамда туриб нақадар гўзал, муносабатларни эса аъло деб тасаввур қилар эдим. Реалликда эса... Ерга тушдим-у, одамзоднинг қанчалик ботқоқликка ботиб кетаётганини кўрдим. Тобора... тобора яхши эмасдек. Шу кетишда қилаётган ишларимиз, ниятларимиз ҳам йўналиш олиб, нафсга қул бўлиб бораверар экан, тубанликнинг тубига тушаверамиз. Ҳар сабаблар билан, баъзида айта оладиган, баъзида айта олмайдиган туғёнларим бор. Бир томондан қалбим “айт”, дейди, бир томондан “айтма”. Нима қилсан айтиб душман орттириб, барибир фойдаси йўқ, дейди. Бу — иккинчи мен. “Ичимдаги ичимдадир” менинг ҳам. Бир масалага доим иккита жавоб оламан ва “қайси бири тўғри?” деб бош қотираман. Улар доим бир-бири билан тўқнашади. Шу сабаб кўнгил оғриғи билан чизган суратимда оқ ва қора икки ҳўкизнинг тўқнашиб турганини тасвирлаганман. Бирининг ичи қора, танаси тасвири ичида турли йиртқич, ёмонликка чақирадиган ҳайвонлар бор. Ахир кўп одамларни кўрдим... Улардан қочиб яшагим келади. Улардаги бундай улкан важоҳат, нафс мени ташвишга солади. Афсус қиламан, менда ҳам озроқ бор булар. Улардан қўрқаман. Оқ томонидаги тасвирлар эса оддий бир рассом ҳолати: оддий бир ошиқ, ҳаётни, одамларни севган чоғим. Иккиси руҳимда доим олишади. Бундан азоб чекаман. Мен учун энг азоблиси — кўнглимдаги гапни айта олмаслигим, бугун раҳбар бўла туриб қилмоқчи бўлган ишларимни амалга оширолмаслигим. Яна тўлақонли ижод билан шуғулланолмаслигим. Хайрли ва катта ишлар бошлаб қўйганман, кўксимда эса ижод ғалаёни қилади. Бошлаганларимни давом эттира оладиган одам топсам, дейман...

Ҳамма ҳам сизни касб нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунавермайди. Гадонинг душмани гадо бўлади. Сиз қанчалик юқорига кўтарилсангиз, ким эканлигингизни бошқалар билади. Мавқеингиз пасайса, дўстларингизни билар экансиз. Ҳаётнинг шу каби мактаблари бўлар экан. Мен бу мактабларнинг ҳар кунлик янги талабасиман. Раҳбар сифатида тушундимки, аслида, мен катта бир карвоннинг карвонбошисиман. Унинг қай томонга бориши ўзимга боғлиқ. Лекин бу йўлда жуда кўп тўсиқларга дуч келар экансан. Йўлдан чиқадиган ва йўлда қоладиган ҳамроҳларга дуч келаман. Бу доим мени чегарада бўлишимга, фикр қилишимга, ҳаракатда бўлишимга мажбур қилади. Бунинг учун уларга “раҳмат” деган бўлар эдим.

— Рассомликдан раҳбар лавозимига келгунга қадар нималарни йўқотдингиз, нималарни топдингиз? Одамлар орасида “юқори лавозимга чиққан кишининг “дўстлари” кўпаяди”, дейишади.

— Тўғри айтасиз, “дўстлар”, “танишлар” кўпайди. Ҳаммаси ҳам ёмон эмас, орасида яхши, мен ҳурмат қилганларим бор. Кўп инсонлар билан танишдим, улардан кўп нарса ўргандим. Лекин дўстларимни ҳам йўқотдим. Йўқотишимга улар эмас, ўзим, эгаллаб турган лавозимим сабаб бўлди. Чунки энди улар билан кўришиш имконим йўқ. Лекин лаганбардорлар жуда кўп бўлар экан. Ҳозир ундайларни писта чаққандай осон биламан. Манман, кибрли одамлар бездиради. Улар билан бир-икки поғона пастда туриб гаплашсамгина гапимиз келишади. Наинки гаплари, ишораларида ҳам “мен сендан устунман” деган ифодани уқтиришади. Майли-да, пастқода тураман, шунда масалага тўғри ечим қила оламиз *(кулиб)*.

— Ёш истеъдодларни юзага чиқаришда Бадиий академия томонидан қандай лойиҳалар ташкил этилмоқда?

— Ҳозирги кунда Бадиий академиянинг икки қаватида амалиёт хоналари ташкил этилган. Биласизки, рассом олий таълимни битиргандан сўнг унга оёққа туриб олиши учун ўзининг устида ишлашига устахона керак бўлади. Шу нарсаларни эътиборга олиб, қачонлардир яхши натижа берган шароитни қайта тикладик. Ёшлар ичидан ўнлаб иқтидорли ёшларни имтиҳон орқали танлаб оламиз ва ҳамма шароитларга эга устахоналар, иш ҳақи билан таъминлаймиз. Ёшлар фақат ижодни ўйлаши керак. Бундан ташқари, рассом ижодий сафарлар орқали дунёга чиқиши керак. Академия бу борада турли сафарлар ташкил қилмоқда. Яқинда учта рассом Жанубий Кореяда, ўнга яқини эса Хитойда, бештаси Қирғизистонда кўргазмалар ташкил қилишди. Бундан ташқари, ҳар бирининг академия томонидан шахсий кўргазмалари ташкил этилади. Бу ёш рассом учун мактаб ва ўз йўлини топишида кўмак бўлади.

— Бадиий санъат соҳасида яна қандай камчиликлар, муаммолар бор?

— Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти, П. Бенков номидаги ихтисослашган рассомлик мактаби, ихтисослашган санъат мактабларига жавоб беради. Булар барча вилоятларда бор. Кўпларини реконструкция қилдик, бошқа жойга кўчирдик, янгидан қурдик. Яқин орада Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида санъат мактабимиз очилиши керак. Энди улғайиб келаётган ўсмир ёшларга келсак, мактабдаги ўқувчилар истеъдодли, улардан кўнглим тўқ. Олий билимгоҳ масаласида эса, очиғи, аҳвол яхши эмас. Очиқ айтаман, олий таълим муассасасини бу соҳадан узоқ раҳбарлар бошқаради. Хусуматим йўқ, шунчаки ҳақиқатни айтаман, улар соҳа одамлари эмас. Бу соҳанинг ўзига яраша муаммолари, қийинчиликлари бор. Биз Ўзбекистон тасвирий санъати, халқ амалий санъатининг келажагини таъминлаб берувчи ёшларни тарбиялашимиз керак. Бир ёқда кириш имтиҳонлари пайтида бўлажак талабадан онлайн ҳужжатлар талаб қилинади, имтиҳонлар эса ҳамон тест тизимида. Мен бунга қаршиман. Унинг ўрнига талабадан ўзи қўли билан чизган расмларини қабул қилишимиз ва сурат чизиш амалий имтиҳонини жорий этишимиз керак. Университетда олиб келинган расмни биттада ўзи чизганми-йўқми, билиб айта оладиган устозлар бор. Лекин биз шу кунда, керак бўлса, қассобларни қабул қилишга мажбурмиз. Шунинг учун биз, минг афсуски, кўпроқ рассом эмас, ҳайдовчи, сотувчи етиштириб чиқаряпмиз. Соҳага ижодга яқин бўлмаган одамлар аралашар экан, бу дарахтдан мева ололмаймиз. Бугун олий ўқув даргоҳларида бакалавр, магистратурага қабул жараёнида тил билиш сертификати сўралади. Лекин бизнинг соҳада тил билиш муҳим эмас, чиндан ҳам шундай. Бутун дунё рассомлари бир-бирининг тилини тушунади, қизиғи, сурат ихлосмандлари ҳам... Афсуски, яхши рассом мактаби берган аттестат билан қолиб кетяпти, мутахассис бўлолмаяпти, чунки у тил билишга лаёқатли эмас...

— Рассом учун унинг ижодий ҳаётида бадиий адабиётнинг ўрни қандай? Шахсан ўзингиз қайси адабиёт вакилларининг асарларини мутолаа қиласиз?

— Аввало, ҳар бир рассом тарихни яхши билиши, тарихий асарлар ўқиши керак. Жаҳон ва ўзбек дурдона асарларини мутолаа қилиши керак. Афсуски, мутолаа маданияти йўқолиб бормоқда. Телефон, ижтимоий тармоққа асир бўлиб қолдик. Китоб билан телефон ҳеч қачон тенглаша олмайди. Китобдаги ижобий таъсирни телефонда ололмайсиз. Бўш вақтим бўлса, китоб ўқийман. Охирги пайтларда Чингиз Айтматов асарларига қайта-қайта мурожаат қиляпман. Чунки ёзувчида ҳаётга, одамларга нисбатан чуқур мушоҳадалар бор. Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фарида Афрўз, Зебо Мирзо шеърларини ўқийман. Улар менинг ишлашимга туртки беради, ҳолат узатади. Бир пайтлари уларни ижодий устахонага чақириб, тўплардим. У даврларни жуда қўмсайман. Кимдир шеър ўқирди, қўшиқчи дўстларимиз янги қўшиғини куйларди. Бошқа соҳа вакиллари ҳам келар эди. Мақсад эса санъат эди. Вақтим камайгани сабаблими, бу гўзал дунёмизни йўқотиб қўйдим. Улар ҳам йўқотишган бўлса керак. Вақти келиб бу даврани қайтариш ниятидаман. Улуғ шоирлардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар билан кўп суҳбатлашганмиз. Абдулла ака умрининг охирги йилларида аёллари аравачада поликлиникага олиб келганларида учрашиб қолгандик, ўшанда менга бир гап айтган эдилар: “Акмалжон, халқ сизни ижодкор сифатида билади. Охиригача шундай бўлиб қолинг. Қолган нарсалар сизга вафо қилмайди”, деган эдилар. Шу пайтда ёнимизга таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосов келиб: “Абдулла акангиз тўғри айтяптилар, Акмалжон. Мана, бир неча кундан бери ётибман. Ҳеч кимга керагим йўқ”, дедилар. Шундай одамлар тириклигида қадрига биз етдик, гоҳо йўқ. Кўпларимиз доим поезд ўтиб кетгандан кейин ноғора қоқамиз. Тириклигида эътибор бермаймиз, машҳурлигини, даҳолигини айта олмаймиз

— Юқорида айтганимиздек, раҳбарлик сабаб, истайсизми-йўқми, бадиий ижодга вақтингизнинг барини сарф қилолмайсиз. Илҳом келган вақтда Сиз мажлисда бўлиб қолишингиз ҳам мумкин. Табиийки, ўзингизни чеклайсиз. Бу ҳолатда сизга нима тасалли беради? Илҳомни жиловлай оласизми?

— Раҳбарларимиз мени кечиришсин. Агар йиғилишларда сурат чизгим келса, ўша ерда чизаман. Чизмасам бўлмайди. Бўлмаса, чиқиб кетишим керак. Бу нотўғри туюлар, ҳурматсизликдир. Аммо мен ҳаммани ҳурмат қиламан. Чиндан. Нима қилай, мен рассомман. Чиновник эмас.

— Ўн уч йил аввалги машҳур рассом ва бугун катта бир раҳбар. Ўртада фарқ ҳам жуда катта, албатта. Шундай эмасми?

— Ҳа, фарқ жуда катта. Ҳозирда эса дунёнинг бошқа томонларини кўришга ҳам тўғри келаяпти. Кимгадир йўқ дейишимга тўғри келаяпти. Мен ўзимда тўлақонли ижодкорни сезмаяпман. Ижодни буткул тўхтатмадим, лекин бу кам. Ижодкор ҳамма нарсадан холи бўлиши керак. Шунинг учун ҳам рассомларимиз дарвешсифат ҳаёт кечиришади. Лекин бугун суратлар майдонига ҳозирги рассомларимизнинг ўзларидан олдин “мен”лари, нафслари кириб келади. Иқтисодий мукаммалликни биринчи даражада қадрлашади. Машҳурликка, унвонларга ружу қўйишган. Қаранг, унвоним бор (бошини кўрсатиб), шохим йўқ. Жаҳон кўргазмаларига боринг, унвонингизга қараб эмас, қилган ишингизга қараб баҳо беришади. Дипломингиз қизилми, кўкми, қизиқ эмас. Биз эса шу нарсаларга қулмиз. Гўё қизил диплом олса, келажакда буюк рассом бўлиб қоладигандек. Диплом, унвонингиз бўлмасин, халқ назарида бўлинг. Халқ назари Нобелдан ҳам катта ютуқ, унга эришиш эса қийин экан. Назардан қолмайлик.

— Бир кўргазмангиз номини “Мен кўнгил экологияси билан шуғулланаман” деб номлаган эдингиз. Буни қанчалик бажардим деб ўйлайсиз?

— Йўлдаман. Бажариш йўлидаман. Бу иш билан бир умр шуғулланишни истайман. Чунки мен ўзимнинг кўнглимдан узоққа кета олмайман. Буюртма учун асар яратолмайман. Кўнглимда йўқ нарсани яратолмайман. Балки, телбадирмиз. Телбалигимиз сабаб рассом бўлгандирмиз. Қатъий тартибда, режали юрган одам рассом бўла олмайди. Баъзида бир томонга кетадиган хаёлимиз бор, ўшандагина кўрган одамни ўзига тортиб оладиган, кўнгил кўзи кўрадиган асар яратилади. Айтишади-ку: “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”.

— Шогирдларингиз ҳақида гапирсангиз. Яна бир савол: қайси шогирдингизни “Бу мендан ҳам яхши рассом бўлиб етишади”, деб айта оласиз?

— Мана бу қиз, мана бу йигит “менинг шогирдим” деб айтолмайман. Чунки ўша ёш рассом “бу менинг устозим” дейиши керак. Агар у ростакамига менинг ижодимдан нимадир олган бўлса. Раҳим Аҳмедов, Ниғмат Қўзибоев, Владимир Иванич Бурмакин, Перув, Талдикин, Баҳодир Жалолов, Шуҳрат Абдурашидов — устозлар, дунё миқёсида эса Рафаел Санти, Сандра Батичелли, Миколанжело, Рене Магрит. Уларнинг қўлида ўқимаган бўлсак ҳам, ўзимга устоз деб биламан. Чунки кўп ўрганганман. Лекин ҳеч кимни шогирдим дея олмайман. Агар кимдир мендан нимадир ўрганган бўлса, унда уни эшитиш керак.

— “Hurriyat” газетасига тилакларингиз...

— Авваламбор, Иброҳим Ғафуров, Абдулла Аъзам билан суҳбатлар қилиб жуда тўғри йўлни танлабсизлар. Чунки, замонамиз одамлари мана шундай улуғларимизни, уларнинг фикрларини билиши керак. Шундай суҳбатлар ёшлар учун жуда фойдали манба бўла олади. Бу учун “Hurriyat”га раҳмат айтаман. Нафақат газетамизда, балки ҳаётимизда “Hurriyat” умрбоқий бўлишини истаб қолар эдим.

Суҳбатдош: Гулнора ШЕРМАТОВА.

ХОРИЖ

АБХАЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Абхазия президенти Аслан Бжания мухолифат босими остида истеъфога чиқди. Парламентни эгаллаб олган мухолифат билан келишилган ҳолда ҳукумат раҳбари ҳам лавозимидан кетади.



“Мамлакатда барқарорлик ва конституциявий тартибни сақлаш мақсадида, Абхазия Республикаси конституциясининг 63-моддасига мувофиқ, мен Абхазия президенти лавозимидан истеъфога чиқаман”, дейилган А.Бжаниянинг парламент спикери номига йўллаган хатида.

Давлат раҳбари вазифасини бажарувчи вице-президент Бадра Гунба, бош вазир вазифасини бажарувчи эса илгари ушбу лавозимни эгаллаган Валерий Бганба бўлади.

Ҳукумат ва мухолифат музокараларда тегишли келишувга эришган.

АҚШнинг РУХСАТИ НИМА БЕРАДИ?

АҚШ Украинага унинг қуроллари билан Россия ҳудудининг 300 километргача ичкарисига зарба беришига рухсат берган. Бу ҳақда Европа дипломатияси раҳбари Жозеп Боррелга таяниб, “Европейская правда” хабар бермоқда.



“АҚШ администрацияси Россия ҳудудига зарба бериш учун 300 километргача бўлган ракеталардан фойдаланишга рухсат берган. Нима учун улар бу қарорни олдин эмас, ҳозир қабул қилганини билмайман”, деган сиёсатчи.

Боррелнинг сўзларига кўра, бу мавзу Европа Иттифоқи ташқи ишлар вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган учрашувида муҳокама қилинган. Учрашувда Ғарб қуролларининг Россия ҳудудига зарба бериши бўйича чекловларни бекор қилиш бўйича умумий қарорга келинмаган.

ТРАМП МИГРАНТЛАРНИ ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН…

АҚШнинг сайланган президенти Дональд Трамп мамлакатдаги ноқонуний мигрантларни депортация қилиш учун армияни жалб қилмоқчи. Бу ҳақда “Newsweek” хабар берган.



“Дональд Трампнинг янги администрацияси мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга ва оммавий депортация дастури орқали Байден ҳукуматининг чегарадан ўтказиш сиёсатини тўхтатиш учун ҳарбий ресурслардан фойдаланишга тайёр экани хабар қилинмоқда”, деган консерватив фаол ва шарҳловчи Том Фиттон.

АҚШнинг сайланган президенти бунга жавобан “Тўғри” дея муносабат билдирган. Трамп жамоаси вакили “Newsweek”га маълум қилишича, бўлажак президент АҚШ тарихидаги энг йирик операция доирасида ноқонуний жиноятчилар, гиёҳванд моддалар ва одам савдогарларини депортация қилиш учун федерал ва штат даражасидаги барча кучларни сафарбар этмоқчи.

ОЧАРЧИЛИККА ҚАРШИ ИТТИФОҚ

Рио-де-Жанейродаги G20 саммитида очарчилик ва қашшоқликка қарши глобал алянс тузилган.



Бу ҳақда Бразилия президенти Луис Инасиу Лула да Силва жорий йилнинг 18 ноябрь куни нуфузли тадбирни очар экан: “Очарчилик ва қашшоқлик танқислик ёки табиий ҳодисалар натижаси эмас”, деган. Унинг фикрича, бу инсониятнинг катта қисми манфаатларини истисно қилувчи сиёсий қарорлар натижасидир.

Очарчилик “инсониятни шарманда қиладиган доғдир”, дея қўшимча қилган Бразилия президенти. Бу ташаббус Бразилиянинг G20 саммити раислигининг асосий мавзуларидан бири бўлган. Унинг доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажриба алмашиш ва тегишли чора-тадбирларни мувофиқлаштириш кутилмоқда. “Бу бизнинг асосий меросимиз бўлади”, деган президент. У очарчилик ва қашшоқликка қарши кураш дунё тинчлигини ўрнатишнинг зарурий шарти эканини ҳам таъкидлаган. Америкалараро тараққиёт банки эса ушбу ташаббусга 25 миллиард доллар ваъда қилган.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда “Hurriyat” газетаси таҳририяти жамоаси устоз журналист, уюшма аъзоси
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“АТТИ-БАТТИ, ЎТТА-БЎТТА...”

ёки енгил-елпи, мазмунан ўта саёз, бачкана куй-қўшиқларнинг салбий таъсири хусусида



1-б.

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳаётимиз турли хит-парадлардан иборат. Онгсизлик, фикрсизлик тарғиботи ахлоқ тутумларини емиришдан баттар. Глобаллашган дунёда онгни бошқариш жуда-жуда муҳим. Миллионлаб одам онгига чип ўрнатиш учун ақча сарфлайдиган анойи йўқ. Сопини ўзидан чиқариш, деган синалган усул бор. Хизматга шай ҳожатбарорлар соққа учун жонини ҳам беришга шай. Бу қавмнинг илоҳи — пул! Пулини тўланг, минг йиллик қадриятингизни бирпасда нажасга қориштиради. Ажрикдай кўпайиб кетаётган бу шоввозлар турли махфий тизимларнинг “маданий лашкар”идир. Бу лашкарнинг фатвоси бор: “Халқ еяпти!..”

Тафаккурни ўлдиришнинг энг осон ва самарали йўли — қўшиқ!

Қўшиқ — энг кучли стратегия!

Шаҳват уфуриб турган клиплар мусулмон жамиятнинг энг бебаҳо хазинаси — оилани нишонга олган. Оиладан ҳаё кетгандан сўнг қилинадиган ҳар қандай чора-тадбир ҳайитдан кейин хина қўйишга ўхшайди.

Маданий қўпорувчилик шу даражада авж олдики, энди хавфни ташқаридан кутиш ақли салимнинг иши эмас. “Юмшоқ куч” ижтимоий тармоқлар, телеканаллар орқали нажот қалъамиз — ахлоқни емиришга шитоб билан киришган.

Хонаданинг ботиний олами қандай бўлса, шунга мос қўшиқ яратади.

Кўпчиликни бир савол қийнайди: ўзини санъаткор атайдиган “хит”чиларга ўзбек тилини хоҳлаганча бузиш ваколатини ким берган?!

Келинг, энди ана ўша “хит”ларнинг баъзилари ҳақида фикрлашсак.

Лиил Хурамов: “Бозе-бозе”.

Хонаданинг исми тушуниксизлиги етмагандай, фамилияси ҳам хато ёзилмоқда.

Қўшиқ матнига эътибор беринг:

“Гап бўвотти
Нима дивотти
Ҳамма жам
Ғийбат қивотти
Нима экан, Мунисга
Самарқанддан совчи кевотти

Ўртада холаси
Гап беради тоғаси
Гижгижлайди момаси
Ишонади ҳаммаси

Тўй бўлади тарақ
Тоғора тўла тухум барак
Қистир-қистир бўлади жарақ
Сарпасига битта қаранг
Кароччи, тўй бўлармуш
Ҳамма тўйга келармуш
Агар рози бўлмасам
Ўғирлабам кетармуш
Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин
(2 марта такрорланади)

Нақарот
Бозе-бозе-бозей
Жамалаги мой даросей
Бозе-бозе-бозей
Жўражон қиё бозе”...

Хуллас, уйланиш мавзусидаги қўшиқ ана шу каби олди-қочди сўзлардан иборат.

Хонанда бош қаҳрамон сифатида намоён бўлган клипда қишлоқ манзаралари, эски уйлар, кампирлар, кўзичоқ, бузоқ, қиз, унинг ота-онаси ва тўй воқеаси тасвирланган. Клип қаҳрамони қишлоқдоши Мунисани Самарқанддан совчи қўйган йигитга бермайди. Ори келган-да, дейсиз. Аммо, клипда намойиш этилган саҳналар реал ҳаётга мутлақо мос эмас. Аралаш-қуралаш воқеа тўйда ўйнаётган куёвнинг юзига самарқандлик йигитнинг мушт тушириши билан якунланади. Ёлғонга қурилган саҳналарни кўрган томошабиннинг энса қотириши табиий.

Ушбу ҳажвий клип ижодкорларнинг бадиий-эстетик олами қай даражадалигини кўрсатиб турибди.

“Бозе-бозе” “YouTube”да уч ойда етти юз минг марта кўрилган. Юзлаб изоҳ қолдирилган. Мана, улардан айримлари:

“Juda zõr musiqa ekan butun maktabda shu qõshiq yangraydi”.

“Liil aka iltimoos uz top chartga qayting”.

“Pryam tuybob bopti. Liil sizam samaeqandda toyda soqqani bosmoqchimisz deyman”.

“Огзига келган сузни айтиб кушик яратишибди. Койил”.

“Liiiil Hurramov ham qo‘shiqchimi qoil”.

“Zo‘r chiqibd”.

“Супер!”

“Hech qanday mano va mazmun yo‘q”.

“Qo‘shiq juda ham bema’ni o‘zingizcha zo‘r qo‘shiq aytdim deb o‘ylalyapsizmi shundoq ham qo‘shiq aytib bo‘ladimi Boze-Boze degan undan ko‘ra qo‘shiq aytmaganing yaxshi”.

Яқинда интернетда бир маълумот тарқалди. Эстонияда давлат тилини муҳофаза қилиш мақсадида “тил патрули” жорий этилибди. Бу хизмат ким, қаерда давлат тилини бузиб, ҳақорат қилаётганини аниқлаб, жазо берар экан. Балки бизда ҳам тил, маданият, санъат, ахлоқ бобида Эстония тажрибасини қўллаш керакдир?

Ёшлар орасида роса хит бўлган Муниса Ризаевaнинг уйланиш ҳақидаги “Ака-макаси” қўшиғи матни мана шундай:

“Ҳолимни сўраб кўр
Бир нималар деб ўраб кўр
Атти-батти, ўтта-бўтта
Йўқ сўзни эйтма алфавитда

Бўлмагин бошимга бало
Юргин мандан сал нарироқ
Мани гапимни бўлмагин
Асабимга тегмагин, ундан кўра ўйнагин
Нақарот (2 марта)
Манга битта бола роса қаравотти
Қош-кўзини ёмон қоқвотти
Ака-мака-макаси ким десам
Мани ёмон ўраб ташавотти

Менга бўлган муҳаббатинг бўлмаса-чи
Бунга жавоб бериб менга айтгин ким
Хафа бўлма бу мени шахсий хаёлларим
Ростдан ҳам севарсан билмадим балким

Қараб-қараб кўп кулма
Гапларимни шунчаки билма
Яна бошқаларга гап отиб
Рашкимни келтирма

Нақарот (4 марта)
Манга битта бола роса қаравотти
Қош-кўзини ёмон қоқвотти
Ака-мака-макаси ким десам
Мани ёмон ўраб ташавотти”.

“Шеър”ни ўқиб, “Яшавор-ей, жўқи!” дедингизми? Ана шунақа!

Энди буёғига нима дейсиз: “Ака-макаси” уч ойда “YouTube”да 35 миллион марта кўрилган. Клипмейкер — “Radjabov production”. Ёзилган минглаб изоҳдан айримларини қандай бўлса шундайлигича келтирамиз:

“Орзуим Муниса Ризаева билан учрашиш биздака кишлокилар билан учрашармиди. Омадини берсин мухлисингизман Опа”.

“Qo’shiq zo’r klipti kino qilib tashagansilar shuni qisqaroq qilib ko’rsatsa bo’ladiku qo’shiq boshlaguncha asablarim buzilib ketyapti shuni keyingi safar klip olyatganlarinda chetkiy yasniy qilib ko’rsatib berilar bu kino basku qo’shiqku Munis baribir Munisde”.

“2:39 сонияда тухтатдим. бир марта эшитишгаям ярамади. Кушик улик тугилди”.

“Уртоклар тентакликнинг олий даражаси булган мазкур кушик билан ижрочи ва бошка иштирокчиларни табриклаб куяйлик. Ана савия, ана даража.... “офарин”.

“Менинг кулогим яхши эшитмайдими. Вообще Галати эшитилар экан. Эхххх Муниса, хаккатан ижодингиздаги энг расво кушигингиз...”

“Узбекчиликни роса бузибсиз Мунисахон клип курган вактга ачиндим”.

“Jinnilikni eng baland nuqtasi. Munisaga yilning eng ahmoq qo’chiqchi nominatsiyasini berish kerak”.

“Munisani ijodidegi eng bemani va bir tiynga qimmat klip deganlar bitta laykcha”.

“Кушикларни охирги вактда шу кадар савияси паст узбек кушикларини шу кадар расво килиб юборишди бир Муниса эмас последний время Узбек эстрадный музикаси кушиклари улди”.

“Bir tiyinga qimmat chiqibdi. Nimasiga buncha prosmotr bilmayman”.

Яна баъзи бир изоҳларни келтиришга, очиғи, уялдик.

Клип онанинг ўғлига қўнғироғидан бошланади. Она келин бўлмишнинг манзилини беради. Суҳбатни эшитиб турган ота ўғли оила қуришга ҳали тайёр эмаслигини айтади, бироқ она “Сиз эплаганмисиз, ўғлимиз ҳам эплайди...” деб нозик масалага ишора қилади.

Клип давомида йигит Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган олис Арян қишлоғида яшовчи қизни берилган манзил бўйича топиб боради.

Сўнгги пайтларда яратилаётган клипларда қишлоқ одамлари устидан кулиш қандайдир урфга кирди. “Ака-макаси” қўшиғи ижодкорлари ҳам шу йўлни маъқул кўришган. Клипда қишлоқ ҳаёти, у ердаги йигитлар (бугуннинг блогерлари) билан тошкентлик куёвбола ўртасидаги келишмовчиликлар жуда бачкана, мавҳум. Клип якунида ота бешиккертти — қулоғи тишланган қизини тошкентлик йигитга бериб юборади.

“Uzum market” ва “18+” номли тетиклантирувчи ичимликни яширин реклама қилишни эплаган клипмейкер оддий мантиқ тополмаганига нима дейсиз?

Мулоҳазаларимизни **Озода Нурсаидованинг “Лада”си** билан давом эттирамиз.

Қўшиқни “YouTube”да бир ойда 46 миллиондан зиёд томошабин кўрган. Ўн минглаб изоҳ ёзилган. Улардан айримларини аслидагидай тақдим этамиз:

“Ozoda — Lada qushig’i ham Kuk jigulidek 300mln prosmotrdan oshib ketsin Inshaallah I”.

“Москвадан эшитябман кушик жуда хам зур чикибди. Бу кушик хам КУК ЖИГУЛИДАЙ ХИТ БУЛАДИ ИНШААЛЛОХ”.

“Америкалик узбеклардан саломлар Озодага омад тилаймиз боммба кушик клип гап йук”.

“Ispaniya Barselonadan salomlar. Ozodaopa doimo sog bólin. Omaaaad”.

“Одамларгаям хайронман бунака клиплар факат просмотр йейди лекин курьондан Бирон сура просмотр йемайди”.

“Ozodaxon Nursaidova 90 chi yillarni eslatadigan qo‘shiq bo‘lipti, ijodlarga omad”.

“Олдинлари одамлар оддий, содда ок кунгил болишкан”.

“Гап йук ешлигим куз олдимдан утди Рахмат 90 йилларга кайтарганингизга озодахон”.

“Бизнесни осон йолини топвопти Лада Жигули ласети деб. Кошик бир тийинга киммат гап шуекан деб тутруксиз кошиклар чикаравераканда”.

“Jiguli boldi ladayam bopti endi nmaga navbat zaparojmi yo maskvich”.

Гувоҳи бўлганингиздек, аксар мухлиснинг қўшиққа ихлоси баланд. Мана шу чапакбозлигу минатдорлик ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг талаб ва эҳтиёжлари ҳақида жуда кўп хулоса беради. Ўзи, умуман, ижтимоий тармоқлар вақтивақти билан таҳлил этиб турилса, жамиятнинг маънавий-маърифий қиёфаси ҳақида аниқ ташхис қўйиш мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар жамоатчилик хоҳиш-иродаси, ўй-хаёллари, маданий савияси-ю саводига тутилган кўзгу ҳамдир.

Хонаданинг “Кўк жигули”си билан “Лада”си бир хил оҳанг, бир хил мазмунга эга. Баъзи актёрлар ҳар иккала клипда ҳам роль ўйнаган.

Ҳинд мусиқаларини эслатадиган “Лада” учун танланган асосий рақс майдончасида инглизча сўзлар қатор илиб қўйилган. Пойтахт кўчалари, ошхона, пардозхона, дўкон, тўйхона, ўқув маркази ва бошқа юзлаб бино пештоқида ўзбекча учратиш амримаҳол замонда яна хорижий тил тарғиботи одамга қаттиқ таъсир қилар экан.

Давлат тилидан ор қиладиганлар, имкон бўлган заҳоти оёқ ости қилишга тушиб кетадиганлар “Лада”дан ҳузурланиши тайин.

Давлат суверенитетини сақлаш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турган, ижтимоий тармоқларда совет даврини ёдга солувчи “Ёдингиздами?” деган роликлар карра-каррасига кўпайиб бораётган бир пайтда баъзи санъаткорлар кимнинг тегирмонига сув қуяётганини ўйлаб кўрсалар бўлармиди...

Бу ёқда жадидлар мероси тарғиботи, бу ёқда шўро тузумини қўмсашга йўналтирилган кампания...

Шу каби клипларни кўргандан сўнг “Қўшиқ — сиёсат! Энг катта тарғиботчи — бу санъаткор!” деган ақида нақадар тўғри эканига амин бўласиз.

Хўш, тўғрисини айтинг. Сиз ҳам Ҳамдам Собировнинг “Малоҳат”ига ошиқмисиз?

Клипмейкер “Radjabov production” томонидан тайёрланган клип кўпчиликни жинни қилди. Қўшиқ матни ва мусиқаси хонандага тегишли. Яна уйланиш мавзусига бағишланган клип “YouTube”да олти ой ичида 210 миллион мартадан кўпроқ кўрилган. Минглаб юртдошларимиз таассуротларини шундай баён этишган:

“Бизни туйимиз, 89 йил. Тоза туйгулар замони. Восход мотоциклда мени ишга олиб борардилар. Моттини овози шунака каттик, хамма бизга карарди. Самимий, бахтли кунлар куз олдимга келди. Кушик учун катта рахмат. Асосийси хеч кимни кулида телефон йук”.

“Барибир кишлок бошкачада. Мусофирчиликда юриб умримиз утиб кетяпти”.

“Ажойиб Хамдамжонни кушикларини эшитиб худди 90 йиллар едимга тушади. Хамма самимий содда. Шунака килиб турмуш курганлар борми”.

“90 йиллар даври барибир бошкача эди шунинг учун хам просмотр куп булаяпти!!!”

Клипнинг илк саҳнасиёқ ғалати таассурот қолдиради. Ўғил Бухоро шевасида гапиради, фарзандини кузатиб чиққан она ярим тошкентча, ярим адабий тилда дуо қилади.

“Малоҳат” сўзини тўғри талаффуз этолмаган қўшиқчининг кўпчиликни болаликка қайтарганига қойилмисиз?

Аксарият одам қийинчиликда вояга етган бўлса ҳам “Бахтли болалигим...” дейишни хуш кўради. Ҳамдам Собиров қўшиғи айнан ўша туйғуни қўзғатиб юборган. Шу маънода, кечаги кунини қўмсаб дил изҳори ёзаётганларни тушунса бўлади.

Кейинги пайтларда ошиғи олчи бўлаётган баъзи хонандаларни хит-мейкер — қўшиқчилик истиқболи деб аташ урфга киряпти.

Энди навбат **Муҳаммадзиёнинг “Кайфиятим яхши”** қўшиғига. “Radjabov production” суратга олган клипни кўриб, кайфиятингиз кўтарилар, балки. “YouTube”да уч ойда олти миллиондан зиёд кўрилган қўшиқ матнини бир ўқинг:

“Яхши, кайфиятим бугун яхши
Яхши, кайфиятим бугун яхши
Гули, гули, гули, гули, лоламсан
Боғлардаги очилган гули лоламсан
Гули, гули, гули, гули, лоламсан
Айтилмаган бир ноламсан.
Гули, гули, гули, гули, лоламсан
Боғлардаги очилган гули лоламсан
Гули, гули, гули, гули, лоламсан
Айтилмаган бир ноламсан.
Гул кўтариб борайми ё
Пул кўтариб борайми ё
Қўшиқ айтиб берайми ё
Кайфиятим жаааа яхши
Тайёр бўлиб турган дилдор.
Бу севгимни қилай изҳор
Бўсаларга кўмай бир бор
Кайфиятим жаааа яхши
Гули, гули, гули, гули, лоламсан”.

“FTV”нинг “Uz top chart” дастурини безаётган қўшиқлар баъзиларни санъатдан бездираётгани ҳам бор гап.

Бу қўшиқ ҳам бошланишидан кимларнингдир мусиқаси ва қўшиғини эслатади. Ҳамдам Собиров “Жанзе”, Озода Нурсаидова “Кўк жигули”, “Лада”, Муҳаммадзиё “Кайфиятим яхши”...

Қизиқ, кейинги пайтларда яратилаётган қўшиқлар негадир бир хил услуб, бир хил мусиқа, бир хил манзаралардан иборат бўлиб қоляпти. Нега қўшиқларимизнинг аксарияти рақсбоп? Ўзбек қачондан бери ўйинчи халқ бўлиб қолди? Нега бизнинг куй-қўшиқларимизга асосий мезон тўй бўлиши керак?

Муҳаммадзиёни “YouTube”да тинглаган бир мухлис “Bemaza qoshiq bopti uzbek sanatini... tiqdinglar shunaqa qoshiqlar bilan” деб изоҳ ёзишдан ўзини қилолмайдиган даражага тушириб қўяди.

Қўшиқнинг асоси — шеър. Бугун аксарият қўшиқларимизда ҳикматга қоришиқ шеър йўқ. Чин шеър четда қолиб, “шиғир” қўшиққа айланган замонда бадиий юксак асарларни кутиш шамолга суянишдай бир гап, аслида. Лекин ноумид — шайтон. Бемисл мерос вориси бўлган ўзбекка сийқа, чучмал тизмаларни қўшиқ деб тиқиштираётган ука-сингилларимизга инсоф берсин. Чапак чалиб вақтини хушлаётган мухлисда айб йўқ.

Зоҳиршоҳ Жўраевнинг “Жонидан” қўшиғи ҳам анча бозоргир чиқди. “YouTube”да уч ойда тўрт юз мингдан кўпроқ кўрилди. Ижтимоий тармоқ фаолларининг клип ҳақидаги баъзи фикрлари сизга ҳам қизиқ бўлса керак:

@shahnozaturgunova: “Эссиз кушик, ярим ялангоч кизни урнига чиройли узбек кизини миллийча ёпик киймда олса болмасмикан” деган. @ZarifaxonRahmonovna ҳам шу фикрда: “Кушик зур чикибтию барибир узбекона кийнса яхширок килибдаги кизимиз Зохиршох ижодизга омад”. @Дилфуза-ч7 кескинроқ фикр айтган: “Кушик хам клипи хам ёкмади ха инди шунча харкат Зоя кетмасин иштиб куйдик кизни кийми кичаси кийб ётадиган киймлиги учун ёкмади и кушикда яна бр бор кумсаябман деган суз икаласи брга шахвонига тортилган канишно бу мани шахси фикрим яна билмадим”. @ubaydullaahrorov4701: “Ёпиқ ҳаёли кийимда клип олса қўшиқ ўхшамай қолармиди? Бу клип ўзининг маш’уқасини ҳаммага кўз-кўз қилаётганга ўхшапти. Бу эса даюслик белгиси бўлади”. @begzodrozikulov9743 эса: “Газалларга купрок мурожат килинг” дея тилак билдирган. @Doniyorbek7779-нинг хулосаси қисқа: “Behayolik”

Баъзи бир изоҳларни кўчиришга қалам хижолат.

Қолганларнинг фикри тахминан шундоқ: “Супер!”

“Z‘OR TV”нинг 28 октябрь кунги “Musiqiy tanaffus” дастурида **Равшан Комилов ва Дилмурод Дадашевнинг “Божа бўламиз”,** Баҳром Назаров ва Шаҳризод Ҳомидовнинг “Соғинаман” клиплари эфирга берилган.

Дастлаб **“Божа бўламиз”** қўшиғига тўхталсак.

“Ака-ука бўламиз
Божа-божа бўламиз.
Божа-божа-божа бўламиз.
Ака-ука бўламиз
Божа-божа бўламиз
Божа-божа-божа бўламиз”.

Бу қўшиқ ҳам уйланиш ҳақида.

Клип юқоридаги сатрларнинг кўп бор такрорланиши билан кўпчиликка маъқул бўлган.

@ЗарифаУсмонова деган мухлис клипни “YouTube”да кўриб, “Тоба кизга туйди харакатини килинг диди дада тоба бумапти” деса, @borimizshuVaqtkursatadi: “Шунчалар бачканасиларки силарниям уйга борсаларинг еркак дейдими” дея сўраган. @otabeksalimov328: “Ravshan aka, bu bola bilan obro’yezni yo’qotasiz klip nol bo’mapti” дея очиқ ёзган. @НулифарУтаметова: “Башкана клип тайини йоклар” дея ёзғирган.

Баъзи мухлисларнинг гажак-гажак ҳақоратларини ўқимадик деб ўзимизни алдаб қўйдик.

“Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик” деб ҳаммани оқибатга чорлаган таниқли ҳофизнинг, мухлислар айтганидек, бачаналашгани ачинарли. “Мўйловингизни ўрни қичийдими”, деган тутуриқсиз саволларга кулиб ўтирган қўшиқчига ҳайфингиз келади. “Ака-ука бўламиз, божа-божа бўламиз”, дея куйлаган ҳофизнинг совчи бўлиб келган масхарабозлар олдига қизига чой опкелтириши, кичик қизига тўйга тайёргарлик кўринглар дейиши афсусланарли ҳол. Совчилик қачондан бери масхарабозлик бўлиб қолди? Томошабинни кулдириш учун миллий қадриятларни беписанд қилиш ночорлик, аслида!

“FTV”да **Чаманнинг** тинимсиз айланаётган **“Қани”** қўшиғи ҳам танқиддан тубан. Ишонмасангиз, матнга бир кўз югуртинг:

“Ҳар куним — туғилган куним
Совға манга қани, қани?
Мани ҳайрон қолдиришга,
“cash”инг етмайди сани
Атиринг ҳам “Эгоист”
Столга марҳамат, тайёр бўлди “прайс-лист”
Манга фарқи йўқ, нақдми ёки пластик
Қалбим шунчалар совуқ худди Айс Те

Ёқтиради мани, ҳамма, ҳамма, ҳамма
Сўминг керакмас, фақат доллар-доллар
Хейтларинг манга, қани, қани, қани?
Ёндиради треким ҳали ҳали
Энди Хип-хоп
Юзим кўринади ҳатто Тик-Ток
Хафа қилмаган орқамда Биг Босс,
Чартда бўлганимда бергин овоз
Ҳаракатинг қани
Жавобларинг қани, қани?
Сенга ёқмасам агар — ҳаракатинг кам
Ўртоғинг ёқтиради мани
Ҳаракатинг қани
Жавобларинг қани, қани?
Сенга ёқмасам агар — ҳаракатинг кам
У олиб кетади мани...

“Қўшиқ”нинг анимацион клипи кўпчиликда қизиқиш уйғотган. Эътирофлар ҳам анча-мунча. Ҳатто “1,5-2 яшар қизим, ўғлим шу қўшиқни бир кунда ўн марталаб эшитиб ёдлаб олди”, деганлар ҳам бор. Мана шунақа “қўшиқ”ларни хиргойи қилиб вояга етаётган болалар кўпчиликми, ишқилиб!

Фарзандларни навниҳоллигида бемаъниликка кўниктириш — истиқболига суиқасд билан баробар.

Энди эътиборингизни **“Эстрада”** гуруҳининг **“Mister Jimi”** қўшиғига қаратамиз.

“Ёрнинг қовоғидан қор ёқади
Биламан ҳозир нимадир бўлади
Балки хафа қилиб қўйгандирман
десам яна кулади
Эгнида атлас куйлак кўрсам дейман
нимага джинси кияди
Ёқмаслигини билади-ку кейин хафа бўлади
Мендами дема кимларда дема
Мистер Жими Жими Жими Жими Жими
Демада мени бошқа Жими
Гапларимга кўнмасанг
Хафа бўламан сандан Уми
Мистер Жими Жими Жими Жими Жими
Дема-да мени бошқа Жими
Гапларимга кўнмасанг
Хафа бўламан сандан Уми
Менга бефарқсиз дема-да
Калта куйлак кийма-да
Гапларимни бўлма-да
Мени эшит Умида
Сани севишим биласан
Нега қовоғинг уясан
Барибир меники бўласан
Жаҳл қилма Умида
Мистер Жими Жими Жими Жими Жими...

“Шиғир”га қаранг, “шиғир”га!

Клип қаҳрамони (оти Jimi!) атлас киймаган қизни хуш кўрмас эмиш. Шу миллийликни улуғлашми? Ўзи тақлидчи одам миллийлик ҳимоячиси бўладими? Э, балли!

Клип ижодкорлари фикрсизлик тегирмонига сув қуяётганини билармикан? Мусиқа ва ижрода Жаҳонгир Позилжонов бўлишни орзулаган гуруҳ бачаналикни ўзига шиор қилган кўринади.

Яна шундайлардан бири **“Ҳаёт” гуруҳи**. Гуруҳнинг **“Уйланаман”** қўшиғи “хит”ликка даъвогар.

“Бўйдоқлигим жонга тегди-ей
Қишлоғимдан қиз топинг
Бўлди уйланаман-ей
Ўйламанг бу болани йўқ
Тунлари кўзларимда уйқу йўқ
Юрагим бўм-бўш
Энди манга умуман фарқи йўқ
Демадим бир оғиз сўз ҳам демадим
Ҳаттоки қизларга ҳам севишимни айтмадим
Уйланмаган битта ёлғиз ўзим деб
Жонга тегди укам уйланмайсизми деб
Бўйдоқлигим жонга тегди-ей
Қишлоғимдан қиз топинг
Бўлди уйланаман-ей
Ёшим ўттиздан ошди
Дадамга бориб айтинг
Кузда тўй қиламиз деб...

Клипни “YouTube”да томоша қилганлар фикрига бир қаранг: “Yigitning qizni oldida tiz cho‘kiwi nmasibu yevropaga qarap ketyatkanimizmi?”, “Уят, эй уят, эй нармални кушик айт эй” дея изоҳ қолдиришган.

Қўшиқ юракда яралади. Бугун таралаётган яллалар, диққат қилиб тингласангиз, бўғиздан нари ўтмайди.

Кўрилган клипларнинг бирортасида мард, жасур, оркаш, олижаноб, илмли, давлат қурган, ҳусни хулқни бошга тож билган, салтанат соҳиби бўлган ўзбек эмас, бачкана, майда, масхарабоз, довдир, ғурури йўқ, орсиз халқ кўрсатилган.

Хўш, биз нимани тарғиб қиляпмиз?

Олис-яқин ўтмишда жамиятлар, давлатлар ҳаёти турли ғоялар, мафкуралар экспорти орқали издан чиқарилган, вайрон қилинган. Ҳар турли эпидемиялардан-да хавфли бўлган клипларга қарши вакцина борми?

“Юмшоқ куч” — ичимизда!

Жамиятнинг шоу-бизнес исканжасидан чиқиши душвор. Фақат битта ўтинч бор — мувозанат. Клиплардан маст бўлаётган ёшлар онгига илм-маърифат ҳам сингдирайлик! Табиий мувозанат бузилса, жамият инқирозга юз тутади.

Биз бор эътиборни шоу-бизнесга қаратаётганимиз учун “лик-лик”чиларнинг кетмони учяпти.

МТРК тизимида шундай бир ҳаётий нақл юради: қайси телеканал раҳбари бошида тошёнғоқ чақилган бўлса, сабаби ё қўшиқ, ё кино!

Ҳақрост, истиқлол йилларида энг кўп танқидга нишон бўлган соҳа бу — қўшиқчилик! Танқид бўлаверади, натижа “нол”лигича қолаверади. “Ўзбек-концерт” ҳузурида клиплар фаолиятини ташкил этиш бўйича бадиий кенгаш тузилиб, ҳар бир хонанда қўшиққа клип ишлашдан аввал унинг сценарийси бадиий кенгаш аъзолари назоратидан ўтказилиши, клип мазмун-моҳияти маъқул келсагина уни ишлашга рухсат берилиши ҳақидаги чиройли, жимжимадор гаплар ҳайҳотдай хоналарда қолиб кетаётгани боис бундай савиясиз яллачиларнинг маза-матрасиз бўтқалари миллатнинг маънавият дастурхонига тортилмоқда. Бўтқага бошқоронғилар беадад жамиятда “О, миллат!” дея айюҳаннос солаётган зиёлига ҳамдард топилармикан?!

Олим ТОШБОЕВ,
Шерзод ОЧИЛОВ,
“Маънавий экспертиза” гуруҳи аъзолари.

ШЕЪРИЯТ

Сайёра САМАНДАР

МАТОНАТЛИ МАРЯМ ҚИССАСИ

Хоразмнинг маърифатпарвар қизи, журналист, ҳамшира, туркистонлик жадидларнинг ташаббуси билан 1922 йилда Германияга ўқишга юборилиб, ўқишдан қайтгач, 1937 йилда Ватанга хоинлик ҳамда жосусликда айбланиб қамоққа олинган, сургун қилинган, барча қийноқларга матонат билан бардош берган Марям Султонмуродованинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Марям, юрагингни нишон олганда,
Наҳот сенга шунча зормиди дунё?
Нозик қўлларингга кишан солганда,
Жонингга қурилган дормиди дунё?

Кўксинг тилганида бераҳм, қаттол,
Камондан отилган ўқмиди дунё?
Сабринг синаганда жоҳил-у баттол,
Дилингни билгани йўқмиди дунё?

Қабоҳат занжири илондай бўғиб,
Бўғзингга қадалиб турганда жонинг,
Маърифат истаган вужудинг ёниб,
Тўлқиндай чайқалди томирда қонинг.

Жаҳолат барқ уриб гуллади қийғос,
Хазондай қовжираб сарғайдинг, сўлдинг.
Қатағон фаслида чекканча уввос,
Ўттиз еттинчилар сафида бўлдинг.

Сен ҳақда ўйласам, ўйларим ёнар,
Қулоғимга келар инграган товуш.
Жисмимни куйдириб тушимга кирар
Зиндонларда оғир судралган ковуш...

Красноярск. Изғирин увлаган ўрмон,
Қисматнинг аянчли, аччиқ битиги.
Оҳ, Марям... Додингдан ёнди бу осмон,
Йўқ эди бирон-бир нажот эшиги.

Икки норасида, икки мурғакнинг
Гулгун юзларини ювдилар ёшлар.
Ўттиз икки ёшда дардчил юракнинг
Додидан ёрилди харсанглар, тошлар.

Ўттиз еттинчининг баҳорларида
Муҳаббат боғида қолди дийдоринг.
Турманинг қорайган деворларида
Садо берар ҳамон аламли зоринг.

“Халқ душмани” деган тамға босилган
Пешонанг темирдан эдими, Марям?
Адолат топталиб, дорга осилган...
Кенг олам сенга тор келдими, Марям?

Сен-да она эдинг, муштипар эдинг,
Бағринғдан уздилар ногоҳ лолангни.
О, Марям, айт, қандай сен бардош бердинг,
Айирсалар сендан икки болангни?

Ҳақиқат йўлига тикилган жонинг
Қирқта эдими, айт, қирқ мингта ёхуд?
Байроқдай юксалган ғурурингнинг, шонинг
Қандай асрай олдинг этмасдан нобуд?

Паричеҳра эдинг, парирўй эдинг,
Қабоҳат тиғида тилинди жисминг.
Диллардан ўчмагай абадий ёдинг,
Юракларда қолди мангуга исминг!

Эллик еттинчи йил. Оқланди номинг,
Бироқ қайтармиди ҳаётинг ортга?
Вужудимни ўртаб топталган шонинг,
Тонгни қарши олдим тўлганча дардга.

Хира тортиб борар юлдузлар кўзи,
Жони чиқар қушдек типирлар хаёл.
Сенинг бардошингнинг исми не ўзи? —
Ўн беш йил қамоқда сақланган аёл???..

Матонатли Марям қиссаси шулдир,
Эсласанг, вужудни қамрар ҳарорат.
Зулмнинг олови бир парча кулдир,
Аммо хотирадан ўчмас қабоҳат.

Ўтмишни унутмоқ ғофиллик асли,
Тарих саҳифалари — ўзликка хитоб.
Унутмоқ жаҳолат, жоҳиллик асли,
Огоҳлик — бу замон ҳақдаги китоб!

Ёруғ кунлар келди, қара, о, Марям,
Сенга либос тикдик, номи — матонат!
Илмдан ўўқ ўзга нажот ҳам, йўл ҳам,
Маърифат — энг улуғ, буюк саодат!

Замондош, бедорлик белбоғингни ос,
Рози бўлсин ўнлаб марямлар руҳи.
Озод байроғингни кўкрагингга бос,
Бағрингни тўлдирсин замон шукуҳи!

2024 йил 28 сентябрь



Муаллиф ҳақида: Сайёра САМАНДАР — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент, “Шуҳрат” медали соҳибаси.

Муаллифнинг “Сизга айтолмаган сўзларим”, “Кўнглим”, “...Ва яна баҳор”, “Озодликдек бахт йўқдир”, “Фақат ишқ...” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Ўзбек адабиёти, жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишга бағишланган кўплаб илмий мақолалари чоп этилган. Шеърлари турк, озарбайжон, ҳинд, инглиз, туркман тилларига таржима қилинган. Озарбайжон ва Қозоғистон Республикаси матбуотида эълон қилинган.

Шоиранинг ғазаллари, машрабона шеърлари, Алишер Навоий, Нодирабегим ва Увайсий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, тўртликларида лирик кайфият, руҳиятдаги мураккаб кечинмалар ўзига хос бадиий талқин қилинган. Қуйида шоира томонидан яқинда ёзилган шеърий қиссаси — Хоразмнинг зиёли бир фарзандининг 1937 йилда ноҳақ қатағон қилингани, не-не азобларга гирифтор этилган ёш қизнинг, аёлнинг матонати ҳақидаги асари ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

АДАБИЙ КЕЧА

Чирчиқ давлат педагогика университетида гуманитар фанлар факультети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, ҳассос шоира Гуландом Тоғаеванинг “Ишқ ҳандасаси” китоби тақдимотига бағишланган “Ишқ элининг овозиман” номли маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.



БЕДОР КЎНГИЛ КАШФИЁТЛАРИ



Кўтаринки руҳда ўтган адабий анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир ва таржимон Салим Ашур, “Шуҳрат” медали соҳибаси, шоира Зилола Хўжаниёзова, ва шоир Шодмонқул Салом сўзга чиқиб, Гуландом Тоғаеванинг ижоди, илмий-педагогик ва журналистик фаолияти хусусида сўз юритдилар.

Тадбир меҳмонларига университет ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ғофуржон Муҳаммедов томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, мазкур олий таълим раҳбари Ғ.Муҳаммедовга гуманитар фанлар факультети декани, юридик фанлар номзоди, доцент Равшан Икрамов бошчилигида факультет жамоаси ва ижодий тўгарак номидан шеърий эсдалик совға тақдим этилди.

Ижодий учрашувда тўгарак аъзолари шоиранинг шеърларидан намуналарни ифодали ўқишди. Талабалар томонидан шоиранинг шеърларига куй басталанган қўшиқлар ижро этилди. Ватан, ота-она ва яқинларга бўлган муҳаббат туйғулари яна бир бор қалбларимизда нақш каби сайқалланди.

“Ишқ ҳандасаси” китобининг биринчи ўқувчиларидан бири сифатида сўзга чиқиб, қарийб 500 нафар кишининг муносабатини кузатдим. Анжумандагилар муболағасиз, саҳнада ўқилган шеърларни жон қулоғи билан тинглашди. Залдагиларнинг ҳар бирининг қалбида адабиётга меҳр бор. Шеъриятга, Гуландом Тоғаева ижодига шайдолик, ошиқлик бор. Китоб тақдимоти ҳақиқий адабиёт байрамига айланди.

Гуландом Тоғаева ҳақидаги фильмни барча қизиқиш билан томоша қилди. Собиқ иттифоқ даврида Гуландом Тоғаеванинг ўқувчилик йиллари ҳақида “Ўзкинохроника” ижодкорлари томонидан бир фильм ишланган ва у Москва телевидениесида намойиш этилган. Унда ўзбекистонлик ўқувчи қизнинг орзулари, сўзга шайдолиги, табиатга ошнолиги ҳикоя қилинган эди. Даврада иштирок этганлар — катта авлод вакиллари шу кинони кўриб, ўзларида адабиётга, шеъриятга қизиқиш бошланганини эътироф этдилар.

“Ишқ ҳандасаси” китоби адабиёт ихлосмандлари учун чин маънодаги ноёб туҳфа бўлди. Чунки шоиранинг китобга киритилган ҳар бир шеърида кўнгил бор, ҳайрат, ишқ, ошиқлик бор.

Ўргилай, ҳовучи дурларга тўла,
Қуёшга ҳамсоя деҳқонларингдан.
Тилло остонаси ойга ашула,
Қалдирғоч ин қурган айвонларингдан.
Севаман, шу сўзда жам бўлди дунё.
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.
Юртим, табассуминг офтобдай иссиқ,
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё!

Адабиёт анжуманида мана шундай гўзал мисраларни талабалар тўлиб-тошиб айтиб беришди. Бу шеърлар ҳар қандай ўқувчининг, ҳар қандай ёшдаги шеърият ихлосмандининг қалбига жўшқинлик солади. Ватанга бўлган муҳаббатни устувор этади. Бу мисралар руҳиятингизнинг узоқ пучмоқларида мудраб ётган туйғулар, ҳиссиётларни жонлантиради.

Янги нашрдан чиққан “Ишқ ҳандасаси” китобида ижодкорнинг турли даврларда ёзган шеърлари киритилган. Бу китобни олиб ўқисангиз, шоиранинг илк ижоди, шеъриятдаги юксалишларини биргина шу китоб орқали билиб оласиз. Бу китобни ўқиб, сиз... шоира билан бирга ойга ҳам учасиз, Сувайдога ҳам йўл оласиз. Демак, “Ишқ ҳандасаси” китобини олиш, ўқиш, уқиш қолди. Гуландом Тоғаева шеърларини мутолаа қилиб, кўнгилларингизга ҳайрат, завқ оласиз, шеърият дунёсига ошно бўласиз.

Улжамол ХОННАЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети халқаро ва аудиовизуал журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндори.

МУТОЛАА

ИШҚ — ИНСОННИНГ ИБТИДОСИДИР...

Севги шундай илоҳий туйғуки, унинг қудрати ҳар қандай қалбни ёритиб, унга маъно бағишлайди. У шоҳни гадога, гадони шоҳга айлантириши мумкин.

Инсон учун севги туйғусини тўғри англаш ва ҳис қилиш ҳаётнинг энг муҳим мазмунидир. Чунки ишқ — инсон қалбининг ибтидосидир.

Ҳар нарсанинг бошланиши муҳаббатдир. Ҳар биримизнинг орзу-мақсадларимиз, ҳаётга бўлган интилишларимиз қалбимиздаги севгидан куч олади. Оламни ушлаб турган ягона ва қудратли куч муҳаббат эканлиги аниқ.

Ушбу ҳақиқатни шоир қаламидан чиққан қуйидаги сатрлар чиройли ифода этади:

Ким дунё ўткинчи дер,
Ким мангу дер у абад.
Ким чин ишқни англабди,
У ўзин топмиш албат.
Дунёни ушлаб турган,
Ягона куч муҳаббат.

Ҳа, бу дунёда севгини англаган инсон ўзини топган инсондир.

Севги фақатгина қиз ва йигит ўртасидаги илиқ муносабат эмас. У Яратувчига бўлган ишқ, она юртга бўлган меҳр, инсониятга бўлган садоқатдир. У инсонлар қалбини маънавий занжирлар билан боғлайди, бу занжирлар эса фақат бахт, нур ва эзгулик, комиллик сари етаклайди.

Аслида, севги бутун борлиқни қамраб олади. У ўзининг хилма-хил кўринишлари билан ҳаётни мазмунли қилади. Ҳар бир инсон муҳаббатни ўз қалби ва тасаввурида турлича ҳис этади. Бироқ ҳеч кимни муҳаббатсизликда айблаб бўлмайди. Чунки ҳар бир қалбда муҳаббат мавжуд, фақат уни сезиш, тушуниш ва қадрлаш даражаси ҳар хил.

Ҳаётимизнинг ўзи Яратганнинг бизга бўлган улкан муҳаббатининг исботидир. У бизга нафас ато этди, тириклик неъматини инъом қилди ва бу дунёда борлиқни ҳис қилиш имкониятини берди. Шу боис севги кўришдан ҳам кўпроқ ҳис этиш орқали қалбларимизга кириб борувчи илоҳий туйғудир. Агар ҳаётга бўлган муҳаббатимиз бўлмаганида эди, бизни бу дунёда ҳеч нарса ушлаб туролмасди.



Ишқ — илоҳий туйғу. Инсоннинг яратилиши, унинг яшашга бўлган интилиши, мақсад ва орзулари — ҳаммаси муҳаббатдан келиб чиқади. Ҳаётимиздаги ҳар бир ҳаракатимизнинг марказида севги бор.

Улуғ шоир Юнус Эмро ҳам бу ҳақда шундай деган:

“Биз дунёга манманлик учун келмадик. Биз севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, махлуқотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келдик”.

Бугунги кунга келиб, инсонлар муҳаббатнинг илоҳий моҳиятини унутиб, уни моддият билан ўлчашга одатланиб қолишган. Қалбнинг энг пок туйғулари пул ва бойликлар қўлида қул бўлиб қолмоқда. Бу эса инсон қалбидан самимиятни олиб қочиб, уларни маънавий қашшоқликка етакламоқда.



Муҳаббатни, унинг қудратини моддият билан ўлчашнинг имкони йўқ! У инсон қалбининг энг нозик, энг пок занжири бўлиб, ҳар қандай ҳис-туйғулардан юқоридир. Аммо, афсуски, дунёда шундай одамлар ҳам борки, муҳаббатни ўз манфаатлари йўлида қурбон қиладилар.

Ҳақиқий муҳаббатда ҳеч қандай манфаат ёки шахсий фойдага ўрин йўқ. У қалбларни боғлайди, ҳаётга мазмун бағишлайди ва инсонни юксакликка етаклайди. Севги нафақат инсонларга нисбатан, балки борлиқнинг ҳар бир жиҳатига бўлган энг юқори даражадаги эҳтиромдир. Биз яратилган ҳар бир нарсага муҳаббат ва шафқат кўрсатиш орқали ўзимизнинг ҳақиқий моҳиятимизни топамиз.

Зеро, муҳаббат — бу Яратганнинг бизга бўлган энг буюк инъоми.

Ҳаётга муҳаббат билан қараган инсон унинг чиройини ҳис қилади. Қалбимизда муҳаббат нурини ёқсак, бу нур нафақат ўзимизни, балки бутун атрофимизни ёритади. Чунки ҳаётнинг энг буюк сабоғи ҳам, унинг энг чиройли ибтидоси ҳам севгидир.

Эрих Фроммнинг “Севги санъати” китоби — бу севги тушунчасининг энг чуқур таҳлили ва талқини ҳисобланади. Муаллиф ушбу китобида севгини нафақат шахсий туйғу, балки ҳақиқий



санъат сифатида очиб беради.

Севги бу ерда шунчаки ҳиссий ҳолат эмас, балки инсон ҳаётини мазмунли ва маънавий бойликка тўлдирувчи маъноли жараён сифатида қаралади. Китобда севги назарияси бир қанча муҳим жиҳатлари билан очиб берилган. Ота-она ва фарзанд муҳаббати, дўстлик, худога ишқ, инсонпарварликка асосланган меҳр-муҳаббат каби турли кўринишлар алоҳида ёритилган.

Э.Фроммнинг фикрича, муҳаббат — бу фақат табиий эмас, балки ижтимоий ва маънавий санъат ҳамдир. Муаллиф севги инсоннинг энг юксак ва буюк қобилияти эканини таъкидлайди ва уни эришиш мумкин бўлган комиллик сифатида кўради. Асарда муҳаббатнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзаро боғлиқ равишда чуқур таҳлил қилинади. Муаллиф инсонлар ўртасидаги самимий муносабатларнинг сусайиб бораётганига диққат қаратади. У муҳаббатнинг моддийлашиши ва унга бўлган нотўғри ёндашувлар ҳақида гапирар экан, инсон қалбидаги асл туйғулар қандай қилиб тўғри шаклланиши кераклигини мисоллар орқали тушунтиради.

Китобнинг ҳар бир боби ўқувчини севгига нисбатан бошқача қарашга чорлайди. Муаллифнинг таъкидича, севги — бу шахсий, ижтимоий ва маънавий санъатдир. Унинг назарий жиҳатини тушуниш билан бирга, амалий жиҳатини ҳам ҳаётга татбиқ этиш муҳим. Китобни ўқиган киши севги тушунчасига нисбатан ўз қарашларини қайта кўриб чиқади. У ўзидаги туйғуларнинг маънавий саводхонлигини ошириб, севгининг инсон ҳаётидаги марказий ўрнини чуқур ҳис қилади. Асар инсонларга ўз хатоларини англаш ва муҳаббат орқали уларни бартараф этиш йўлини ўргатади. Муаллифнинг фикрига кўра, ҳақиқий муҳаббат инсон ҳаётининг маънавий мазмунини белгилайди, унинг қалбини бойитади ва ҳаётга бўлган қарашини юксакликка олиб чиқади.

Эрих Фроммнинг “Севги санъати” асари ҳар бир ўқувчини муҳаббатни янги кўз билан кўришга ва унинг моҳиятини теран англашга ундайди. Бу китоб нафақат фалсафий ёки психологик асар, балки инсоннинг маънавий юксалиши учун мукаммал қўлланма ҳамдир.

Жаҳонгир НОМОЗОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

ҒАРОЙИБ КИШИЛАР

“КОБРА ОДАМ”

ёхуд илонларнинг дўсти



Ўзбекистон халқ табобати академияси аъзоси, илон овловчи Алишер Ёрматов Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги тоғли Жом қишлоғида яшайди. Касби ветеринар врач бўлган бу инсоннинг уйида ҳозирда 50 дан ортиқ заҳарли илонлар бор.

Биз у киши билан бундан қарийб 10 йилча аввал, илонлари билан Самарқандга келиб, шаҳарнинг марказий истироҳат боғида томоша ташкил қилганида танишган эдик. Ўшанда заҳарли илонлар ва уларнинг ғаройиб чиқишларини томоша қилиб, бу одамнинг фавқулодда қобилиятига қойил қолгандик.

Аммо таниқли ёзувчилардан бири таъкидлаганидек, айнан шунақа ғайриоддий инсонлар дунёни безатади.

Қуйидаги фактга этибор беринг. Биргина 2001 йилнинг 6 ойида қаҳрамонимизни нақ етти марта заҳарли илонлар чаққан! Аммо шунга қарамай, у кўзойнакли илон — кобраларини янада кўпроқ севиб, уларга доимо ғамхўрлик қилади.

“Илонлар — менинг ҳаётимнинг маъноси...”

Ёрматовдан: “Илонларни боқиш сизнинг севимли машғулотингизми?” деб сўрашганида, у ҳеч иккиланмасдан: “Илонлар — ҳаётимнинг мазмуни”, деб жавоб берган.

Унинг уйида айни пайтда 50 дан ортиқ заҳарли илон, шу жумладан, 30 га яқин кобра бор. Алишер ака уларни шунчаки боқибгина қолмай, том маънода илонлар билан яшайди, гаплашади, нафас олади. Нисбатан унинг кобралари эркиндир. Қаҳрамонимизнинг ўзи уларни тутади, ўстиради, ўқитади.

Алишер аканинг илон овлайдиган асбоблари жуда оддий: таёқ ва сумкадан иборат. Ҳатто махсус кийими ҳам йўқ. Бу машғулот, тўғрироғи, севимли машғулоти энди унинг оиласига ҳам кириб келган: қизи Дилафрўз ва кенжа ўғли Нурбек мустақил равишда кобра билан шуғулланишади.

Ёрматовлар оиласи илгари атрофи чўл билан ўралган тоғолди қишлоқларидан бирида яшаган. Улар яшаган совхоз чорвачилик хўжалиги бўлиб, у ерда қоракўл қўйлари боқилган. Ёш Алишер болалигидан илон томоша қилиш учун даштга борарди. Кобралар ва гурзиларнинг нафас олиши, айниқса, бошини кўтарганда вишиллашини кўриб у чексиз завқланарди.

Ота-онаси ўғлини уйга киритишмади

Алишернинг ота-онаси дастлаб уйдаги илонлар қаердан келганини тушуна олмадилар. Алишер чўнтакларига ҳар хил майда жониворларни солиб, уйига олиб келарди. Шунда улар ҳақиқатни билиб қолишди ва ўғли чўнтагидаги ҳамма нарсани силкитиб чиқариб ташламагунча, уйга киритмадилар.

Бошқа қариндошлари ҳам уларнинг уйига келса, қўрқишарди. Шунда Алишернинг отаси ўғли учун ҳақиқий “божхона текшируви”ни ташкил қиларди. Аммо бола эртасига 10 километрлик “кичик айланма” йўл босиб, яна даштга борар ва илонлар билан яна чўнтакларини, сумкасини тўлдирарди.

Катталар болада қандайдир ғайриоддий касаллик бор деган хулосага келишди ва уни шаҳарга шифокорларга олиб боришди, аммо шифокорлар боладан ҳеч нарса топа олишмади. У жуда яхши ўқир, мутлақо соғлом эди...

Алишер аканинг айтишича, илонлар ҳар доим у кишини ўзига тортадигандек туюлади, у киши қаерда пайдо бўлса, бир нечта оёқсиз жондор дарҳол у ерга судралиб борарди. Қаҳрамонимиз, айниқса, кобраларни яхши кўради. Ҳатто улар билан бирга эмаклайди, бошини кўтариб, ёноқларини шиширганида улар билан ҳатто шивирлаб гаплашади.

У кишининг сўзларига кўра, илондан инсон мутлақо қўрқмаслиги керак.

— Сиз жуда диққат билан, қимирламасдан илоннинг кўзларига қаранг, – деди Алишер ака. — Шунда у ҳам сизнинг кўзларингизга қарайди. Биз гўё сеҳрлангандек бир дақиқа бир-биримизга шундай қараймиз, кейин мен кўлим билан унинг энсасига жуда секин, бир неча марта мулойимлик билан ураман. Кобра дарҳол бошини пастга туширади, унинг даҳшатли кўринишидан ҳеч нарса қолмайди. У энди итоаткор. Уни қўлга бемалол олиш мумкин.

Орзуси Гиннеснинг Рекордлар китобига кириш

Алишер Ёрматовдан нима учун айнан кобраларни танлаганлиги сўралганда, у шундай жавоб беради: “Кобралар энг гўзал рақсга тушадиган, мафтункор, ақлли, мулойим, жозибали ва энг муҳими, марддир. Улар ҳатто трактор босиб кетишидан ҳам қўрқмайдилар. Бошини мағрур кўтариб ўлимга ҳам тик боқишади”.

Алишер ака билан суҳбатлашганимда, илонларнинг барча турларидан унинг хабардорлиги, бу ҳақдаги чуқур илмий ва амалий билими мени ҳайратда қолдирди.

Алишер ака кобралари билан ўйнаса, беихтиёр ҳинд илон ўйнатувчиларини эслайсиз. Циркдаги томошалардан фарқли ўлароқ, у ҳеч қандай ҳолатда илонларнинг тишларини олиб ташламайди ва уларнинг заҳарини шприцлар билан зарарсизлантирмайди.

Ёрматов фармацевтика қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, дори воситалари ишлаб чиқариш учун уй ҳайвонларидан заҳар олади ва шу заҳар билан беморларни даволайди. Унинг шахсий кутубхонасида Россия ва дунёнинг бошқа давлатларида чоп этилган илмий ва тиббий китоблар мавжуд. Беморларни даволашда у шифокорлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашади.

Суҳбат давомида маълум бўлишича, Ёрматовнинг иккита орзуси бор: Гиннеснинг Рекордлар китобига кириш ва ўзининг илонлари билан халқаро саҳнага чиқиш.

Илон ҳам яхши сўзнинг гадоси...

Муаммолар ҳақида сўрасангиз, Алишер ака илон заҳарининг шифобахш хусусиятлари юқори бўлишига қарамай, ҳозиргача ҳеч ким унинг фаолиятига ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олмагани ва кўпинча у тайёрлаган дориларнинг моҳияти беморларга яхши етиб бормаётганини айтади.

Бу ғайриоддий одамнинг ёрдами билан соғлиғини яхшилаганлар, миннатдорчилик билан уни “Доктор Кобра”, баъзилар эса “Кобра одам” деб чақиришади.

— Мен кобралар билан ўйнайман, айниқса, ёнимда яшайдиганлари билан. Мен уларни даштдан жуда кичик пайтида олиб келганман, улар ҳатто овозимни ҳам фарқлашади, – дея давом этади Алишер Ёрматов. — Мен уларга яхши сўзлар айтаман. Улар тинглайдилар, меҳрни яхши кўрадилар. Лекин улар билан мен ёлғиз шуғулланаман. Агар хотиним мен билан келса, ҳаяжон бошланади. Илоннинг жаҳли чиқади. У мени хотинимдан том маънода рашк қилади.

Бир куни ҳатто рашкчи илонни тинчитмоқчи бўлганимда, у қўлимдан тишлаб ҳам олди. Кобралар яхши мавжудотлардир. Мен ҳар доим айтаман: илонларни ўлдирманг. Негадир айрим одамлар илонни кўрганларида, дарҳол қўлларига тош ёки таёқ олиб, уни ўлдиришга ҳаракат қилишади. Агар одам унга тегмаса, илон ҳеч қачон одамга тегмайди.

Бу жондор, аввало, Аллоҳнинг ижоди, дунёмизнинг битта зарраси. Бундан ташқари, илоннинг инсон саломатлиги учун фойдаси жуда катта. Илоннинг тиббиёт тимсолига айлангани ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, яна бир гап. Масалан, мен кобра заҳарини ичаман. Албатта, жуда кичик дозада. Балки, шунинг учунми, 71 ёшда бўлишимга қарамай, ҳозиргача ҳеч қандай касаллик билан оғримаганман.

Қонимда илон заҳри борлиги учун у чаққанида заҳари менинг танамга унчалик салбий таъсир қилмайди. Энди мен ўғлим ва қизимга ҳам шу заҳардан бера бошладим. Менимча, кобра заҳри менинг соғлиғимни сақлаб турибди, шунинг учун у бошқа одамларга ҳам ёрдам бериши мумкин.

У ҳақиқатан ҳам ғайриоддий инсон

— Алишер Ёрматовни нафақат Самарқанд вилоятида, балки унинг чегараларидан ташқарида ҳам билишади. У илонларнинг, айниқса, кобраларнинг табиати, характерини тушунади, яхши билади, – деди Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультети зоология кафедраси ассистенти, герпетолог Темур Абдураупов. — У ҳақиқатан ҳам, ғайриоддий инсон.

Мутахассисларнинг фикрича, республикамизда, асосан, тоғли ва чўл ҳудудларида заҳарли илонларнинг беш тури — Марказий Осиё кобраси ва гурзиси, Паллас шарқий илони, қум эфаси мавжуд. Улар тухум қўйиш орқали кўпаяди.

Илонлар она қорниданоқ заҳарли бўлиб туғиладилар. Минтақамиз илонлари ўртача 15 йилдан 25 йилгача яшайди, баъзан эса Марказий Осиё кобрасининг узунлиги икки метргача етади.



Илонларнинг заҳари, албатта, шифодир. Кобра заҳри тиббиётда жуда қадрланади. Шунингдек, у трансплантологияда, трансплантация қилинган донор аъзоларни жонлантиришда қўлланилади. Онкологияда эса кобра заҳрининг баъзи таркибий қисмлари саратон ҳужайраларининг тузилишини бузиши мумкин.

Кобра заҳри орқали юрак хуружи ва инсультнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Анъанага кўра, илон заҳри артритни ҳам даволаш учун ишлатилган.

Кобра заҳри қон томирларини кенгайтириш, тўқималарда метаболик жараёнларни тезлаштириш ва оғриқни камайтиришдан ташқари, қон томирлари деворларини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

— Заҳарли илонларни сақлаш осон иш эмас, ҳамма ҳам буни қилишга журъат қилавермайди, чунки баъзида бу ҳаёт учун ўта хавфли бўлиши мумкин, – дея давом этади А.Ёрматов. — Бундан бир йил аввал мен, ўғлим Нурбек ва набирам Шаҳзодни Ўрта Осиёдаги энг заҳарли илон — гурзи чақиб олди. Шифокорлар бизнинг ҳаётимиз учун жуда узоқ вақт курашдилар ва бизни ўлимдан қутқардилар, бунинг учун биз улардан ҳамиша миннатдормиз. Ўзим шифокор бўлсам-да, касалликларни даволашда замонавий тиббиётнинг ўрни борлигини ҳеч қачон инкор этмайман. Шунга қарамай, мен илонларни жуда яхши кўраман. Улар — менинг дўстларим. Мен уларга қарашдан чарчамайман. Ўғил-қизим кўмагида кобра заҳаридан дори-дармонлар тайёрлаб, беморларни даволайман. Ҳозир “Эко-зоо-тур” номли оилавий корхонамиз бор, унга катта ўғлим Шерзод раҳбарлик қилмоқда.

А. Ёрматовдан қачон ва нима учун касал бўлганини ҳам сўрадик. У бу саволга ярим ҳазил билан жавоб берди: “Менинг касал бўлишга ҳам, қаришга ҳам вақтим йўқ”.

Қишлоқдаги ҳайвонот боғи

Самарқанд-Қарши автомобиль йўли бўйида жойлашган Нуробод тумани “Жом” фуқаролар йиғини ҳудудида Алишер ака ўз маблағи ҳисобидан ташкил этган ҳайвонот боғи жойлашган. Унда бўри, тулки, туяқуш, товус, қуён ва 10 дан ортиқ илон ҳамда қуш турлари мавжуд. Айни пайтда бу жой маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканга айланган.

Бундан ташқари, ҳудудга яқин-атрофдаги мактаб ўқитувчилари биология ва зоология фанларидан очиқ дарсларни ҳам айнан шу ерда ўтказмоқда.

Ҳайвонот боғига А.Ёрматовнинг иккинчи ўғли Нурбек раҳбарлик қилади, халқ табибининг ўзи ва унинг тўнғич ўғли Шерзод илон заҳридан тайёрланган дори билан беморларни даволайди. Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида ҳафтанинг маълум кунларида беморлар қабул қилинади.

* * *

Эслатиб ўтамиз, яқинда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ижодий жамоаси ушбу ғаройиб инсон ҳақида “Ўлим билан ўйин” деб номланган 2 қисмли бадиий фильмни суратга олди, унда Алишер Ёрматовнинг ўзи бош ролни ижро этди. Киноасарда, шунингдек, таниқли актрисалар Тўти Юсупова ва Мадина Мухторовалар ҳам иштирок этишган.

— Фильмнинг бир эпизодини суратга олиш жараёнида битта илон йўқолиб қолди, – деб эслайди табассум билан Алишер ака. — Ҳеч ким хонага киришга журъат эта олмади. Ҳамма қўрқиб кетди. Кейин мен чироқни ўчиришни сўрадим. Сўнг қоронғида хонага кириб, дарҳол чироқни ёқдим. Шундай қилиб, тезда йўқолган кобра топилди.

Эл саломатлиги йўлида қилинган шарафли меҳнат зое кетмади. Жорий йилнинг август ойида Тожикистон пойтахтида бўлиб ўтган IX Бутунжаҳон Халқаро табобат анжуманида Алишер Ёрматов “дунёнинг энг яхши табиби” деб топилиб, тегишли сертификатга эга бўлди. Россия Федерациясининг халқ табобати уюшмаси эса уни Гиппократ орденига тавсия қилди.

Яқинда тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига кўра, республика халқ табиблари орасида биринчи бўлиб Алишер Ёрматов “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Ёрмамат РУСТАМОВ

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

МОДДИЯТ ЭПИДЕМИЯСИ

Урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, биз эъзозлайдиган туйғулар, инсонийлик ҳақида гап кетганда, негадир улар қишлоқда сақланиб қолиши керак, деб ўйлаймиз. Кўпчилигимиз ўша ерларда ҳалиям бор, деган хаёлдамиз. Аслида, қишлоқ ҳам бугун бошқа ҳудудлар сингари ўзгариб, йилдан-йилга ўзгача қадриятларни ўзлаштириб, кези келганда, ўзиникини бой бериши мумкин бўлган ҳудудга айланмоқда. Яъни, нима бўлганда ҳам, биз юз йиллардан бери қадрлаб келаётган қадриятлар шаҳарларда тамоман йўқолиб, қишлоқда асраб қолинади, деган фикр бугуннинг манзарасига тўғри келмайди.

Бунга мисоллар кўп бўлса-да, баъзиларини алоҳида таъкидлагимиз келди.



ТЎР КИМНИКИ?

Қишлоқда гап тез тарқалди: фалончининг ўғли таълим соҳасида яхшигина ишга ўтибди! Биров хурсанд бўлди, бизнинг қишлоғимиздан шунақа обрўли одамлар чиқаяпти, деб. Яна кимнингдир энсаси қотди. Кимдир оқ йўл тилади, хуллас, бу хабарга эътиборсиз одамнинг ўзи йўқ эди. Қизиғи кейин бўлди. Мансабга ўтирган фалончининг отаси бир умр одмигина ҳаёт кечиргани учун уйлари ҳам эл қатори, оддий қишлоқ уйларидан бири эди. Кўп ўтмай, уй бузилиб, қайта қурилди. Катта, кенг дарвозахонадан аввал оддийроқ, кейин янаям қимматроқ, ҳашаматлироқ машиналар жой эгаллай бошлади. Шаҳарга фақат икки-уч марта, уям бўлса, даволаниш учун борадиган фалончининг онаси умр йўлдоши билан қишни шаҳарда ўтказадиган бўлди. Кийимлар, ўзини тутиш ўзгара бошлади. Қишлоқдагилар ҳам қайси маърака бўлмасин, уларни беихтиёр тўрга ўтказадиган бўлишди.

Фалончининг онаси энди бошқа аёлларга гап бермайди. Ўғлига қанақа совғалар келаётганидан тортиб, машинасини қачон янгисига алмаштиришигача. Бошқа аёллар ҳам онанинг оғзига кўзини тикиб, шундай ўғил тарбиялаганига ҳавас қилиб ўтиришади. Лекин негадир ҳеч ким ушбу тизимда ойлик-маошнинг ҳаминқадар бўлишига қарамай, бунча ҳой-ҳавасни қисқа фурсатларда амалга ошираётган амалдорнинг пулни қаердан олаётганини ўйлаб кўрмайди. Тўғрироғи, ўйлайди, ҳатто биладиям, лекин бундан нафратланмайди. Аксинча, ўша оилага яқинроқ бўлишни истайди, кўпроқ мулозамат кўрсатади. Энг ёмони, фарзандларини ҳам шундай бўлишга ундайди. Таълим тизимида кичик бир жойнинг раҳбари шунча ўзгариб кетдими, нега ахир, бу бизнинг болаларимизнинг ҳақи-ку аслида, дея фикр қилмайди.

Бир пайтлар қишлоқнинг оқил кексалари сал бўлса-да, ўзлигини йўқотган қишлоқдошларини изза қилган бўлса, бугун уларни кўтар-кўтар қилади. Танбеҳ берган одам бутун қишлоқ ичида бир зумда “ичи қора”га, “душман”га айлантириб қўйилади.

Қуйидаги мисолни эса суҳбатдошим ўзи айтиб берди.

ОТАМНИНГ ДАККИСИ

Отам бизни бир умр ҳалол меҳнати, ўқитувчилиги ортидан катта қилди, тарбия берди. Китоб-қаламга меҳр уйғонишига отам сабабчи бўлган. Вилоятнинг чекка тумани бўлгани учун узоқроқ мактабга қатнардик. Лекин китоб масаласида муаммомиз бўлмасди. Чунки эсимни таниганимдан бери уйимизда мўъжазгина кутубхона бўларди. Отам ҳар доим бизга ёшимизга қараб, китоб танлаб берарди, уни мароқ билан ўқиб чиқардик. Баъзи китобларни ўқишга рухсат бермасди. Биз астойдил тиришиб, отам айтган ишларни бажарганимизда, бу китобларга қийинчилик билан эришардик. Яъни, ҳозирда ота-оналар боласи китоб ўқиса, мукофот берса, биз китоб ўқиш учун кўпроқ ишлашимизга тўғри келарди. Кутубхонамиз уйимизнинг энг салобатли, ҳамма ҳам яқинлашишга рухсат бўлмаган бир жой эди. Табиийки, отамнинг бундай тарбияси билан ҳаммамиз мактабда яхши ўқидик, олий таълим муассасаларида таҳсил олдик.

Ёшликда олган билим, заковатимиз туфайли бугун вилоятнинг энг нуфузли бошқармаларида ишлаяпмиз, шукур. Аввалари отам биз билан фахрланар, доим қишлоққа борганимизда насиҳатларини айтиб, неваралари билан китоб ҳақида суҳбатлашардилар. Лекин кейинги йилларда негадир қишлоқда вазият ўзгарганини ҳис қиляпман. Одамлар уй қуриш, уни безатиш, турли автомобиллар сотиб олишга берилиб кетди. Бунинг нимаси ёмон, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланяпти, дерсиз. Албатта, менам аввалига шундай фикрда эдим. Лекин энди атрофга назар ташлар эканман, кўп қадриятларимизни бой бериб қўймаяпмизми, деб ўйлаб қоламан.

Келинг, фикримни бироз бошқачароқ тушунтирай. Бундан ўн йиллар аввал қишлоққа борсак, қишлоқ катталари тўй-маъракаларда нима иш қилаётганим, марказдаги аҳвол-руҳият, сиёсат ҳақида суҳбатлашарди. Яхши суҳбатлар бўларди, ўзим ҳам улардан кўп нарса олардим. Лекин кейинги йилларда бу суҳбатлар мавзуи тобора торайиб бормоқда: фақат бойлик, ҳашаматдан гапириш урфга кирди. Кимнинг қанақа машина олаётгани, қанақа уй қураётгани, қандай тўй қилаётгани каби маиший мавзулар обдан гаплашиляпти ҳозир. Қишлоқда туғилиб-ўсиб, марказда ишлаётганлар мени яхши тушунади. Бугун қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ишлаяпсанми, ота-онангни кўришга келганингда, албатта, тагингда энг сўнгги русумдаги автомобиль бўлиши керак. Шундагина обрў-эътиборга эга бўласан. Акс ҳолда, ҳеч кимсан, ҳеч нимага эришмагансан. Бу ҳолатни кузатиб, кўнглимдан ўтганларини таҳлил қилиб юрган пайтларим эди. Бир жияним уйланадиган бўлиб қолди. Оилам билан баҳоли қудрат совға-салом олиб, қишлоққа йўл олдик. Машинам оддий, эл қатори. Аввал ота уйига бориб, ҳол-аҳвол сўрашдик, ундан-бундан гаплашдик. Суҳбат давомида отамнинг бир гапи юрагимга наштардек тегди. “Сен ҳам фалончининг болаларига ўхшаб “Трекер”ларда келсанг бўлмайдими, болам? Ўшалардан кам жойинг йўқ-ку ахир. Обрўли жойда ишласанг, наҳотки шунча пайтдан бери эски “Нексия” миниб юрасан?!” дедилар. Шу инсон менинг отамми, дея ҳайратда қолдим. Ўзлари бир умр бизга ҳалол луқма едирган, ҳалолликни бош мезон қилиб тарбиялаган, бизларни ҳам шундай бўлишга ундаган инсон — отамдан бу сўзларни кутмагандим. Отага қарши фикр билдириш ножоизлиги бизда одоб даражасида шаклланиб қолган. Аммо шундай бўлса-да: “Ота, наҳотки шу гапларни сиз айтаётган бўлсангиз?!” дедим.

Кейин ўйлаб қолдим, йўқ, бу сўзларни отам эмас, йилдан-йилга қишлоқларга ҳам касаллик даражасида кириб бораётган ҳашамат эпидемияси гапираётган эди. Қандай бўлмасин, “Tracker”, “Malibu” миниб, қишлоқдошларининг кўзига “қаҳрамон” кўринаётган ва уларни беихтиёр қишлоқнинг тўрига олиб чиқаётган одамлар айтаётганди бу сўзларни. Минг йилдан бери одмилик, ҳалолликка сиғингудай одамларни ҳам домига тортиб кетаётган моддият гапираётганди бу сўзларни...

Гулруҳ МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 109
Буюртма — Г-1144
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.